

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ**

Н. Мирджамалова

Фалсафа тарихида онг ва онгсизлик масаласи

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2014

КИРИШ

Одамзодни ўз ички дунёсини ва коинотдаги ўрнини билиш масаласи ҳамиша қизиқтириб келган. Инсондаги мавжуд имкониятларни кенг қулоқ ёйдириш учун шахснинг у ёки бу сифатларига унинг бир қатор ўзигагина хос хусусиятларини сафарбар қилишга бир томонлама ёндошиш йўли билан эришиб бўлмайди. Инсоннинг барча жиҳатларини ҳисобга олган ҳолдагина уни тўлиқ ўрганиш мумкин. Инсоннинг уйғун ва ҳар томонлама ривожланиши тарихий аҳамиятга эга бўлиб, уйғониш давридаги қарашларига бугунги кун қарашлари мос келмаслиги табиий ҳол бўлиб, бу масалани таҳлил қилишда ҳозирги кундаги ўзига хосликни ҳисобга олиш муҳим масаладир.

Шахснинг ҳар томонлама ривожланиши инсоннинг барча муҳим жиҳатларини унинг шахсий хусусиятларини, қобилиятларини ўсишини давр нуқтаи назаридан ўрганишни шарт қилиб қўяди. Ҳозирги замонда инсон масаласи, унинг турмуш тарзи, ҳаёти, руҳий баркамоллиги масаласи барча даврлар учун асосий масала бўлиб келган. Инсон муаммоси инсон ҳаётининг маъносини унинг руҳияти ва ички борлигини тушуниш билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маъруза ва нутқларининг асосий мазмунини инсон муаммоси: маънавий қадриятлар руҳият, ижтимоий иқтисодий ва сиёсий қарашлар, соғлом турмуш тарзи каби муҳим масалалар ташкил этади.

Президент И.А.Каримов шундай деб ёзади: **«амалга оширилаётган ислохотларимиз... марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак».**¹

Мазкур масалани ҳал этишда, албатта, тарихий-фалсафий билимларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Шу нуқтаи назардан инсон ҳақидаги замонавий таълимотларни инсоният тараққиёти ҳақидаги илмий-назарий қарашларнинг мантикий давоми сифатида ифода қилиш лозим.

Шундай қилиб, мазкур таълимотлар орасида, “индивидуал психология” алоҳида ўрин тутди. Машҳур немис олими А. Адлер, З.Фрейд, Д.Юнг инсондаги руҳий жараённи фалсафий таҳлил қилиб, инсоннинг ички дунёсидаги ўзига хос ҳолатларини очиқ берди.

Индивидуал психология асосчиси А.Адлер, ижодида инсон масаласи таҳлиliga доир фалсафий-концептуал ёндошувларни конкрет-илмий далиллар асосида ўрганишдан ҳамда мутафакирнинг Ғарб фалсафаси тарихига қўшган ҳиссасини ва унда тутган ўрнини бир бутун концепция сифатида аниқлашдан иборат.

- Фрейдизм ва фалсафа тарихида онг ва онгсизлик тушунчаларини аниқлаш;

- Адлер ижодида инсон руҳиятининг шаклланиш жараёнини ўрганиш;

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, - Т.; Маънавият, 2008. 105 – 106.б.

- Инсон масаласининг Адлер ижодида концептуал ва методологик аҳамиятини очиб бериш;

- Инсон руҳий камолатига интилиш жараёнида ижтимоий манфаат ва ижтимоий фаолият тушунчаларини очиб бериш;

- Инсонни тарбиялаш масаласи ва унинг ҳозирги замондаги аҳамияти.

А.Адлер дунёқарашида инсон масаласининг талқин этилишининг концептуал-методологик ва аниқ фактологик тамойилларини ўрганиш ва илмий-назарий таҳлили.

Илмий–назарий томонларини ишлаб чиқишда А.Адлернинг илмий-фалсафий меросини ўрганиш доирасида ўз қарашларини илгари сурган мутафаккирларнинг назарий–фалсафий таълимотларига. Фрейдизм таълимотининг тарихи билан шуғулланувчи ҳозирги замон олимларининг назарий тадқиқотларига таянилди.

Илмий холислик, тарихийлик ва мантикийлик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик каби тамойилларга амал қилинди.

А.Адлер ижодий меросини ташкил этадиган асарларини янги давр тафаккури асосида тадқиқ этиш, таржима қилиш, шарҳлаш ва нашрдан чиқариш борасидаги ишларни янгидан бошлаш ва уни мунтазам равишда давом эттириш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён эса шарқ ва ғарб маданияти ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш ва соғломлаштиришга замин тайёрлайди. А.Адлер асарларида инсон масаласи тадқиқ этилган ва бундан ташқари турли фалсафий тушунчаларни қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Шу нуқтаи назардан таҳлил қилинган маълумотлар умумжаҳон фалсафа тарихи, хусусан, шарқ ва ғарб фалсафа тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишда маълум илмий ва маърифий қимматга эга.

Инсон масалалари талқинидаги ғояларнинг бошқа халқлар, жумладан, Шарқ халқлари фалсафий таълимотлар бўйича келтирилган маълумотлар ва илмий хулосалар маълум даражада жаҳон халқлари фалсафий тафаккур ривожига жараён ва анъаналари ҳақида янги маълумотлар беради.

Шунингдек, А.Адлер илмий-фалсафий меросини ўрганиш доирасида тадқиқотлар олиб бораётган хориж олимларининг ва Ўзбекистонда самарали илмий фаолият олиб бораётган шу соҳа вакиллари ишларидан назарий манба сифатида фойдаланиш устувор аҳамият касб этади. Шунингдек, бошқа шарқ ва ғарб мутафаккирлари асарларидан ҳам самарали ва кенг фойдаланилади.

1. ФАЛСАФА ТАРИХИДА ИНСОН РУҲИЯТИ МУАММОСИ

Инсон руҳияти қадимги даврдан бошлаб файласуфлар томонидан таҳлил қилинган. Милет мактаби вакилларида Анаксимен, Фалес ва бошқа философлар ўз қарашларида, инсон жонини онгли субстанция сифатида англаганлар. Қадимги юнонларнинг фикрича, жоннинг англаш қобилияти турли даражада бўлади. Жоннинг тубан даражаларида инсон ҳис туйғуларга берилиб, ўзининг нафс ва хирсларига эга бўлади. Юнон файласуфлари таълимотида табиат руҳий асосга эга. Унга биноан, табиатда барча нарсалар руҳий кучга, жонга эгадир. Талабалар ушбу давр файласуфларининг инсон руҳий олами тўғрисидаги фикрларини ўрганишда асосий эътиборни замонвий тадқиқодлардаги фикрлар билан солиштиришга қаратишга тўғри

келади.



Бундай пантеистик қараш XV асрда уйғониш даври файласуфлари Николай Кузанский, Джардано Бруно, Якоб Бёме каби файласуфлар таълимотларида учрайди. Уларнинг фикрича ер, сув, осмон, олов, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонларда руҳий қувват, онг мавжуддир. Ўрта аср ва Янги даврда ҳам онг ва онгсизлик масалалари Р.Декарт, Б. Спиноза томонидан қўйилган. XVII асрда Р.Декарт руҳиятни

онглилик билан айнанлаштирган, кейинчалик эса унинг фикрини Р.Брентано давом эттирган. Жумладан, Р.Декарт ижодида туғма ғоялар ҳақидаги фикрларни баён эттилган. Ушбу туғма ғоялар инсон қалбидаги билимлар бўлиб, улар инсонга онгсиз равишда берилади ва инсондаги руҳий кўтарилиш натижасида ушбу туғма ғоялар англаб олинади. Бизнингча, инсон ўзини иродаси орқали ўз ҳис – туйғуларини нафс ва хирсини назорат қилиши мумкин. Б.Спинозанинг таъкидлашича, инсон ақли онгдаги барча ҳис-туйғуларни, нафс ва хирсни бошқаришга назорат қилишга қодир эмасдир¹. Бу давр файласуфларининг онглилик ва ички дунёда мавжуд бўлган руҳий оламдаги ўзига хосликни талабалар мустақил ўрганиб чиқишлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

¹ Спиноза Б. Танланган асарлар, I-том, М., 1957, 558- бет.

XVIII аср файласуфлари Дидро, Гельвеций, Гольбах, Руссо қарашларида онг ва онгсизлик масаласи инсон табиатидаги яхшилик ва ёмонлик рухий кучлари орқали таҳлил қилинди. Инсон табиати зиддиятли бўлиб унинг ички оламида яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасида доимо кураш кетади. Ушбу файласуфларнинг фикрича инсон ўзининг ақл-заковати туфайли ўзидаги ёмонликни камайтириши керак. Р.Декартнинг фикрича, “жон тубан, онгсиз ва онгли юқори даражадаги қисмларга ажралади.”¹ Д.Юмнинг фикрича, эса француз файласуфларнинг фикрларидан кескин фарқ қилади. Инглиз субъектив идеалистик фалсафасининг ёрқин вакиллардан бири бўлган Д. Юм инсон ақлнинг билишдаги ролини кескин танқид қилди. Унинг фикрича, ғоялар онгимизда ассоциацияларни ташкил этади. Инсон ички дунёсидаги ушбу мавжудликлар, аффектлар ақл томонидан бошқарилмайди. Д.Юм қарашларида онгсизлик ҳолати онгли ҳолатдан устун туради. Инсон ақли ҳис туйғуларни ўзига бўйсундира олмайди. И.Кант ҳам онг ва онгсизлик масаласига катта эътибор берганлигини кўришимиз мумкин. И.Кантнинг фикрича, инсон жонининг тубида хира-шира тассавурлар яширинган бўлиб, улар инсон ақлига таъсир этади, ақл ўз навбатида бу таассуротларни бошқаришга ҳаракат қилади, лекин доимо бунинг уддасидан чиқа олмайди.² И.Кантнинг фикрига кўра, жондаги ушбу хира-шира таассуротлар тўғридан тўғри англамаси ҳам улар билвосита ақл ёрдамида англаниши мумкин. Англамаган, ноаниқ тассавурларни ақл орқали англаш ва уларни юзага чиқариш ҳозирги замонда ҳам рационал воситалар орқали амалга ошириш қийин бўлган масаладир. Онгсизлик ҳолати рационал тушунчалар орқали ифода этилиши ниҳоят қийин. Бундай онгсиз ҳолатларни иррационал фалсафий оқимларда мистик ҳолатлар орқали ис қилиш мумкин бўлади.




¹ Декарт Р. Избранные произведения. М., 1950, стр. 619.

² Кант И. Соч. в шести томах, т. 6. М., 1966, стр. 367.

И.Кантнинг онгсизлик ҳақидаги фикрларни Г.Гегельда ҳам учратишимиз мумкин. Г.Гегельнинг руҳ фалсафаси асарида онгсизлик “руҳнинг тубида яширинган сирли тассавурлар тимсоллар шаклида намоён бўлади, улар инсон онгида яширинган ҳолатда мавжуддир.”¹

Бизнинг фикримизча, Г.Гегель онг остининг тубида яширинган тассавур ва тимсолларни юзага чиқишини, ҳаётий тажриба билан кўшилишини кўрсатади. Шунга ўхшаш фикрларни З.Фрейднинг руҳий таҳлил концепциясида ҳам учратишимиз мумкин. У ҳам онг остида пинхон тимсол ва тассавурлар онг сизиб чиқади деб ҳисоблайди.

Унинг шогирди К. Юнг ҳам ўзининг “аналитик психологияси”да шунга ўхшаш фикрларни айтиб ўтади. К.Юнгнинг фикрича, онг остида яширинган тассавурлар онг юзасига қалқиб чиқиши мумкин. Кўриниб турибдики, З.Фрейддан анча вақт илгари онг ва онгсизлик масаласи уларнинг бир бирига бўлган алоқаси ва таъсири улар ўртасидаги зиддиятлар Г.Гегельнинг фалсафий системасида муҳим ўринни эгаллаган.



Бизнингча, Г.Гегель ўз ижодида онгсиз руҳнинг саргузаштлари рационал тушунча ва иборалар орқали таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Бу рационал таҳлил Г.Гегель фалсафий тизимида ўзининг ўрнини эгаллаган. Шу билан бир қаторда Г.Гегель ижодида тубдан фарқ қилувчи иррациоанл фалсафий йўналиш ҳам бўлган. Шундай таълимотларлан бири А.Шопенгауэр ижодида ўз аксини ифода этган. Талабалар Дидро, Гельвеций, Гольбах, Руссо карашларида онг ва онгсизлик масаласи инсон табиатидаги яхшилик ва ёмонлик руҳий кучлари орқали таҳлил қилганликларини адабиётлардан мустақил ўрганишлари керак бўлади.

XIX асрнинг бошларида машҳур немис файласуфи А. Шопенгауэр онгсизлик масаласини ўзининг «Дунё ирода ва тассавур сифатида» асарида таҳлил қилиб, онгсизликни дунёвий ирода эканини асослаб беради.

Онглилик эса А.Шопенгауэрнинг фикрича, онгсизликдан келиб чиқади ва тассавурда намоён бўлади. А.Шопенгауэр шундай дейди: «Онгсизлик –

¹ Гегель.Г Соч., т. III. М., 1859, стр. 256, 257.

барча нарсаларнинг дастлабки ва табиий ҳолатидир, айрим нарсаларнинг ўсиши ва ривожланиши жараёнида аста секин онг пайдо бўлар экан, у аслида онгсизликнинг ёрқин нуридир. Биз онгда онгсизликни кўришимиз мумкин»¹. Бизнинг фикримизча, А.Шопенгауэр дунёкарашидаги онгсизлик аслида дунёвий руҳий қувват бўлиб барча нарсаларга ҳаётий куч беради. А.Шопенгауэрнинг фикрига ўхшаш фикрлар Э.Ницше ижодида ҳам ўз аксини топган. Унинг таъкидлашича «оламдаги барча мукаммал нарсаларнинг заминида онгсизлик ётади».² А.Шопенгауэрдан фарқли равишда Э.Ницше мутлақ ирода ғояси ўрнига айрим иродаларнинг кўплигини кўяди. Унинг фикрича, ҳар бир мавжудотда ўз ирода маркази бўлиб ва бу иродалар ўртасида кураш кетади. Борлиқдаги ҳар бир мавжудот ўзининг руҳий иродаси орқали ҳукмронликка интилади. Инсонда ҳам ҳукмронликка интилиш иродаси мавжуд, у биринчи навбатда ўз ҳис-туйғулари ва фикрларини назорат қилиши керак. Шундай инсонларгина ҳукмронликка эришиш иродасига эга бўладилар.

Онглилик ва онгсизлик масаласида Э.Ницше А.Шопенгауэр фикрига ёндашади: инсон онги қотиб қолган жонсиз механизмга ўхшайди, унда ҳаётий қувват йўқ, шунинг учун онгсизлик онг устидан ғалаба қозонади. Жумладан, Э.Ницшенинг ҳукмронликка интилиш ҳақидаги қарашлари бутун борлиққа хос бўлган руҳий қувватдир. Э.Ницше таълимотидаги ҳукмронликка интилиш иродаси масаласи индивидуал психология асосчиси А.Адлер ижодида ҳам намоён бўлган. Лекин руҳий таҳлил фақат назария бўлиб қолмасдан у руҳий касалликларга дучор бўлган шахсларни даволашга қаратилган. Ўтмишдаги фалсафий таълимотларда инсоннинг руҳий ҳаёти ва фаолияти назарий абстракт тушунча ва услублар орқали таҳлил қилинган. Фалсафий қарашлар инсоннинг руҳий табиатини ўрганишда асосан интроспектив метод кенг қўлланилган ва инсоннинг барча руҳий ҳолатлари ўрганиб чиқилган. XIX асрда интероспектив услуб инсон руҳий ҳаётини ўрганишнинг ягона услуби ҳисобланган. XIX аср фанинг барча амалий ва назарий услублар инсоннинг руҳий ҳаётини ўрганишга яроқсизлиги маълум бўлиб қолди. Эмпирик услублар билан бир қаторда янги руҳий таҳлил услублари шакллана бошлади. XIX асрнинг охирида иррационал услублар яққол кўзга ташланди. Масалан, тушунтирувчи психология билан бир қаторда таърифловчи психология ҳам шакллана бошлади. Бу психология табиатшунослик фанлари услубларини инсон руҳий ҳаётини изоҳлашга деб ҳисоблаб ўзига хос махсус руҳий таҳлил услубларини ишлаб чиқа бошлади.

Масалан, Дильтейнинг фикрича тушунтирувчи психология услублари фақат табиий жараёнларни тушунтиришга, таърифлашга мослашган бўлиб инсон руҳий кечинмаларини эса интуитив ҳис - туйғу орқали яхлит жараён сифатида тушунтириш мумкин. Дильтей фикрича инсон руҳий ҳаётини фақат таърифловчи психология тушунтириши мумкин чунки у барча руҳий кечинмаларни яхлит бир-биридан ажралмас жараён сифатида ўрганади.

¹ Шопенгауэр А. Дунё ирода ва тассаввур сифатида т II М., 1991 й, 138-бет.

² Ницше Ф. Поли. собр. соч., т. IX. М., 1910, 189-бет.

Таърифловчи психология инсон ички кечинмалари, ҳис-туйғуларини ифода этишда аналитик услублардан фойдаланади. Дильтейнинг ушбу фикрлари нафақат З.Фрейднинг руҳий таҳлил услубида ҳатто К. Юнгнинг аналитик психологияси ва Адлернинг индивидуал психологиясида таъкидлаб ўтилади. Аммо, мумтоз психоанализ таълимотида таърифловчи психология услубларидан ташқари тушунтирувчи психология ҳам таҳлил қилинди.

Психоаналитик таълимот XIX-XX асрларда вужудга келди. Унинг асосчиси австриялик врач-невропатолог З.Фрейд ҳисобланади. У асабий касалларни даволашнинг кейинчалик психоанализ деб номланган янги услубини таклиф қилди. Бу услуб асосида неврозларнинг хирсий этимологияси ҳақидаги тасаввур ётади. Инсон психикасининг онгсизлик қатлами очилмаган материал сифатида талқин қилинади. Инсон онгидан сиқиб чиқарилган ва англалмаган фикрларни онглилик соҳасига ўтказиш, бу тадқиқот усуллари орқали тушларни талқин қилиш, касаллик сабабларини аниқлаш, нутқий ўхшатишларнинг маъносини очиш, ҳато ҳаракатларни аниқлаш бу услубнинг асосини ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, З.Фрейд инсон ҳаётининг кам ўрганилган соҳасига ўз эътиборини қаратади.

Асабий касалларни даволаш услуби сифатида вужудга келган психоанализ, тез орада инсон ҳақидаги умумий психоанализ таълимотига айланди. Чунки онгсизликда учрайдиган конфликтлар ҳақидаги тасаввурлар, инсон психикасига салбий таъсир қилувчи омиллар З.Фрейд томонидан соғлом инсон шахсига кўчирилади. Инсон ҳақидаги психоаналитик тасаввур шу тарзда вужудга келган. Бу таълимот инсоният фаолиятини онгсизлик ва онглилик соҳаларига бўлиб, бу икки соҳа бир-бири билан кесишмайдиган ҳолда характерланиб, ҳар икки соҳанинг ўзига яраша тузилмаси ва вазифаси борлиги асосида исботланиб берилди. Бунда устунлик онгсизлик томонига берилди, чунки, З.Фрейд фикрича, у инсон ҳаракатининг ботиний сабаби вазифасини бажаради, шу орқали инсон психикаси тузилади. Том маънода, онгсизлик З.Фрейд томонидан, нафақат инсон психикасини ривожини нуктаи назаридан талқин қилинди, балки бу ҳодиса инсоннинг мазмуний, моҳиятий, табиий, ижтимоий, маданий, тарихий ҳаётига ҳам тадбиқ қилинди. Онгсизлик орқали, ҳаттоки тарих ривожини ҳам очиб беришга ҳаракат қилинди, нафақат тарих, балки цивилизация масалаларига ҳам тадбиқ қилинди.

Зигмунд Фрейд 1856-1939 йилларда яшаб ижод қилди. Инсон психикаси тузилиши ва ривожланишини ўрганувчи оқим фрейдизм деб аталади. Бу оқим XIX асрнинг охирида шаклланди. Невроз касали моҳиятини З.Фрейд янгича талқин қилишга уринди. Кейинчалик З.Фрейд ва унинг издошлари ижтимоий жараёнларни тушунтиришда психоанализ таълимотини кўллайдилар. Ўз дунёқарашининг шаклланишида З.Фрейд мураккаб йўлни босиб ўтди. Инсон психикасида Фрейд бир-биридан нисбий мустақил бўлган тузилмани ажратади: булар онг ости - у; онгли мен; олий - эго. З.Фрейд фикрича, бу уч тузилма ўртасидаги зиддият невроз касаллигига сабабчидир. Инсон туғилгандан бошлаб, бутун ҳаёти давомида унинг барча ҳаракатларининг сабабларини Фрейд онг остида ётган, англалмаган хирсий

ҳиссиётлар, яъни "либидо" орқали тушунтирди. Ёш болалардаги хирсий ҳиссиёт ота-она томонидан тақиқланади, натижада болаларда невроз ҳолати пайдо бўлади.

Жамиятнинг ахлоқий нормалар томонидан тақиқланган хирсий ҳиссиётлар натижада инсон онгида бошқа шаклга киради, уларга хос бўлган психик энергия ҳар-хил невроз касалликлари орқали юзага чиқишга ҳаракат қилади. Бундай хирсий ҳиссиётлар туғдирган неврозларни З.Фрейд психик ривожланишнинг нотабиий, зарурий босқичи деб ҳисоблаган. Бундай ҳолатлар катта ёшдаги одамларда ҳам учраши мумкин. Инсон тақиқланган хирсий туйғуларини онгли равишда англаса, унинг тузалиши мумкиндир, дейди Фрейд. Кейинчалик З.Фрейд ўз ижодига янги тушунча "Танатос" (ўлим)ни киритди. Бу унинг тақиқланган хирсий ҳиссиётларни чегаралашга олиб келди.

З.Фрейд "Онгсизлик руҳияти" номли асарида онглилик ва онгсизлик ҳолатларини таҳлил қилиб беради. Унинг фикрича, бу ҳолатларни бири-биридан ажратиб бўлмайди, чунки онгсизликнинг баъзи бир элементлари онгли ҳолатда учраб туради.

Рационализм таълимоти намоёндалари онгни инъикос сифатида талқин қилсалар, З.Фрейд биринчилардан бўлиб, онгни психик жараён сифатида талқин қилади. Олим онгни қуйидаги даражаларга бўлади: Мен - бу бир психик тузилма сифатида, бу тузилма бутун психик жараёнларни бошқариб назорат қилиб туради; онглилик олди - бу тўлиқ онгсизлик эмас, яъни у ривожланиб онглиликка ўтиши мумкин; ва ниҳоят, онгсизлик - бу суриб чиқарилган ҳаракатчан онгсизликдир. Онгсизлик ўз ўзидан онглиликка ўтмайди, у қуйидаги даражалардан ўтади: "онглилик" (bw), "онголди" (vbw) ва "онгсизлик" (nbw)¹

Фрейд "Мен"ни шундай таърифлайди: "Мен... биз бирон бир шахснинг руҳий жараёнлари тузилмасини тасаввур қиламиз ва уни "Мен"ини белгилаймиз. Ана шу "Мен" онг билан боғлиқдир, у ташқи оламга қараб ҳаракатга интилиш ҳиссини назорат қилади". "Бу жоннинг шундай маркази-ки, ҳар бир хусусий ҳаракатларни бошқаради, кечаси тушга айланади ва уни ҳам назорат қилади. Ана шу "Мен" га онгдан сиқиб чиқариш ҳам боғлиқ".

З.Фрейднинг кузатишларича, беморларнинг онг остидаги "Мен"и онгидаги "Мен"га қаршилиқ кўрсатади. Беморлар ана шу объектга ёки ходисага яқинлашишни истамайдилар, чунки уларнинг "Мен"и сиқиб чиқарилган эди. Лекин беморлар ана шу хоҳламаслик сабабини очиб беролмас эдилар. Беморлар қаршилиқнинг ўзини англамас эдилар. З.Фрейд бундан шундай хулосага келади-ки, "Мен" нинг тузилмасида онгсизлик хусусиятлари мавжуддир.

Демак, З.Фрейднинг фикрича, онгдан сиқиб чиқарилган ҳамма нарса онгсизликдир, лекин онгсизлик сиқиб чиқарилган ходисалар билан айнан бир нарса эмас. Жумладан, онгсизликнинг қуйи соҳалари бир мунча мазмунлироқдир. Кўпгина илмий тилда тушунтириб бўлмайдиган ҳодисалар,

¹Фрейд З. Психология бессознательного. - с. 427.М.1989.

онгсизлик соҳасига тушиб қолгандир. Шунинг учун ҳам Фрейднинг таъкидлашича, онгсизликни тадқиқ қилишдан воз кечмаслик зарур.

3.Фрейд шундай масалани ўртага ташлайди, яъни қандай қилиб онгсизликни онглилик даражасига кўтариш мумкин? Олим фикрича, онглилик бу ҳодисаларнинг юзаки қисмидир. Бизнинг бутун ташқи, ички тассуротларимиз, ҳиссиётларимиз онгимиз томонидан англанади. Улар ички руҳий ҳолатлар билан боғлиқдир. Қачонки улар онг билан боғланса, тассурот ҳиссиёти англанади. Агар улар онг билан боғланмасдан, ёпиб қўйилса, унда онгсизликка айланади. Онг олди соҳаси таассурот ва ҳиссиётларга таъсир этмайди. Улар ёки онгли бўлади, ёки онгсиз бўлади. Ҳиссий қабул қилинганда, сўз шаклига киргандан сўнг онглиликка англанади. Демак, онглилик тафаккурлаш орқали намоён бўлади.

3.Фрейд таъкидлашича, "Мен" онглиликнинг ядросидир, у онг олди соҳаси билан чамбарчас боғланган. Греддек тадқиқотларини ўрганиб Фрейд онг ва онгсизликни аниқлаш учун икки тушунчани киритади, улар "Мен" тушунчаси ва унга боғланадиган онг олди тушунчасидир. "У" тушунчасига эса онглиликни ташкил этувчи онгсизлик киради. "W" системасидан чиқаётган моҳият онг олди соҳасидан ўтади ва "Мен" деб номланади, бу моҳиятга кирувчи бошқа онгсиз психик жараёнларни, Греддек фикрига қўшилган ҳолда, "у" деб атадим". "Мен" ва "у" ни шундай тушунган Фрейд учун индивидуум анланмаган онгсизлик сифатида намоён бўлади, унинг устида онглилик ётади, бу онглиликнинг маркази "Мен" дир.

"Мен" ва "у" ўртасида чегара йўқ. Улар бир-бири билан тухум ва унинг ичидаги ҳомила каби муносабатда бўладилар. "Мен" ва "у" ни чегаралаш нисбий хусусиятга эгадир. "Мен" орқали сиқиб чиқарилган нарсалар, онгсизлик билан қўшилади ва онгсизлик орқали яна "мен"га қайтиб келади. Мен оламнинг ташқи таассуротларини ўзида мужассамлаштиради ва "у" ни чегаралайди. Айниқса, лаззатланишни чеклайди ва уни реаллик билан алмаштиради. 3.Фрейд фикрича, "Мен" ақлни ва тафаккурлашни ташкил этса, "у" эса хирсни (страсть) намоён этади.

"Мен" ва "у" ни образли таърифлаб, 3.Фрейд уларни от ва чавандозга киёслайди. От - бу эгарланмаган хирслар, туйғулар, онгсизлик соҳасидир, у чавандоз назоратидан чиқиб кетишга талпинади. "Мен" - бу чавандоздир, у бутун кучини ишга солиб отни ўзига бўйсиндиришга ҳаракат қилади. Лекин от шундай ёввойики, чавандоз уни баъзида эгарлай олмайди.

3.Фрейд инсоннинг ахлоқий томонларини таҳлил қилиб, онгсизлик бу соҳаларга ҳам тегишли эканлигини айтади. Шундай инсонлар учрайдики, уларда виждон ва ўз-ўзини танқид қилиш онгсизлик даражасида намоён бўлади. Ҳаттоки ақлий билим ҳам онгсизлик даражасида бўлиши мумкин. Масалан, айрим олимлар ўз кашфиётларини тушларида очганлар.

"Мен" тушунчасидан ташқари, яна "Олий Мен" ҳам мавжуд, дейди Фрейд. "Мен" да "Олий Менга" эга бўлиш хоҳиши мавжуд. "Мен" "у" га мурожаат қилиб, "у" нинг бахти билан ўзини айнанлаштиради. "Мен" либидо объектини, Нарцисс либидаси билан алмаштиради, яъни "Мен" онгсиз хирсини "Мен" нинг ўзига қараб йўналтиради. "Мен" ягона муҳаббат

объектига айланишни истайди. Онгсиз "Мен" нинг ҳамма хирслари ўзига қаратилгандир. Натижада "Мен" ўзини яхлитлигини йўқотади, кўпгина "мен" чаларга бўлиниб кетади. З.Фрейд фикрича, "Мен" нинг идеали, хирс объектига ўхшашни хоҳлашдир. Бу объектлар ота ёки она ҳам бўлиши мумкин.

Фрейд психоанализ таълимотида тушунтурувчи ва таърифловчи психология услубларини синтез қилишга интиланган. Бу услублардан инсон табиатининг физиологик механизмларини, руҳий хис туйғуларни, ҳаёт мақсадларини тушуниш учун ҳамда инсон ҳаётига маданият, санъат ва жамият қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш учун фойдаланилган. Фрейд таълимотида тушунтурувчи ва таърифловчи психология услублари бир бирига қўшилиб, ажойиб янги психоанализ ёки руҳий таҳлил услубини юзага келтирди. Маълум бўлишича психоанализ таълимотини пайдо бўлиши учун керакли назарий ва эмпирик замин яратилган. Юқорида қайд қилинишича онгсизлик жараёнларини тушунтириш ва ўрганиш XIX аср охири ва XX аср бошидаги психология фанини эътибор марказида бўлган эди. Масалан машҳур француз файласуфи ва психологи Анри Бергсон XX аср фанида инсон руҳий ҳаётини ўрганишда онгли ва онгсиз жараёнларни таҳлил қилиш биринчи даражали масалага айланишиши айтиб ўтган. А. Бергсон фикрича, XX асрда психология фани улкан кашфиётлар билан тўқнашади ва психология фанини тубдан ўзгартириб юборади.¹ Бергсон онг ости жараёнларини ўрганиб экан машҳур француз психиатрлари Рибо ва Уинслоу тадқиқотларидан кенг фойдаланади. Масалан, хотира спантан образли тассавурлар ҳақидаги фикрларни Бергсон шу тадқиқотлар асосида ишлаб чиқади. А.Бергсоннинг фикрича, келажакда фалсафа онг ости жараёнларини ўрганишда психология фанининг ютуқларидан кенг фойдаланиши зарур. Чунки, кашфиётлар айнан шу иккита фаннинг чегарасида содир бўлади. З.Фрейдан олдин психология фанидаги инсон онгини, ундаги онгсиз жараёнларни ўрганишда соғлом инсон психикасини асос қилиб олган. Онг ости жараёнларини таҳлил қилиш асосан онгсиз психик жараёнлар кўлами онгли жараёнлар кўлаmidан анча кенгроқ эканлигини таъкидлаш билан чегараланган. Онгсиз жараёнлар физиологик жараёнлар орқали таҳлил қилиниб, асаб тизимидаги таъсирланиш орқали ҳис қилиш тадқиқ қилинган. XIX аср иккинчи ярмидаги неврологик тадқиқотлар руҳий бетобларни ўрганиш заминида ривожланмоқда. Улардаги психик ўзгаришлар кейинчалик соғлом инсонларга нисбатан қўлланди. Ўз навбатида инсон онг ости жараёнларини чуқурроқ ўрганишни мантиқий фикр юритишга зид бўлган иррационал руҳий ҳолатларни тушунишга интиланган. Машҳур психиатор З.Фрейд невроз жараёнларини руҳий касал шахсларда ўрганиб, инсон онги чегарасидан чиқиб кетувчи руҳий ҳолатлар билан тўқнашади. Шундай қилиб, невроз касалликларни ўрганиш жараёнларни онгли жараёнлардан фарқ қилиш учун янги назария яратиш кераклигини тушуниб етди.

¹ Бергсон. А. Собр. соч., т. 4., стр. 78.

Бизнингча, И.Кант томонидан ташқи таъсирланишларни фарқ қилиш зарурияти пайдо бўлганидек, З.Фрейд ҳам онгли ва онгсиз ҳолатларни фарқлаши шунга ўхшаш эди. И.Кант фалсафасида “нарсა ўзида” тушунчаси “нарса биз учун” тушунчасидан фарқ қилганидай З.Фрейд таълимотида онгсиз жараёнлар худди “нарса ўзида” тушунчасига ўхшаб онгли, яъни “нарса биз учун”га ўхшаш бир биридан фарқ қилган. Шунингдек, онг жараёнларида ташқи нарсаларни сезиш органлари орқали ҳис қилишга таққосланган. Хуллас, психоанализ таълимотидаги психик ҳолатлар ҳисобланган. Онгли руҳий ҳолатлар улардан кенгроқ ҳажмда бўлган онгсиз руҳий ҳолатларни хусусий шакли сифатида эътироф этилган.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб З.Фрейд барча руҳий жараёнларни онгли онгсиз ва онгсиз ҳолатдан олдинги руҳий жараёнларнинг мураккаб қоришмаси деб эълон қилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, психик жараёнларни онгли ва онгсизга бўлишда З.Фрейддан ташқари буюк файласуфлар, шоирлар, ёзувчилар ҳам онг тушунчасини ўрганишда катта хизмат кўрсатишган. Улар инсон онгини мураккаб ички олам сифатида хилма-хил тимсоллар орқали тасвирлашган. Аммо, онгсизлик ҳолатига З.Фрейд томонидан берилган таъриф ундан олдинги мутафаккирларникидан тубдан фарқ қилган. З.Фрейд учун онгсизлик инсон руҳий ҳаёти ва фаолиятининг шубҳасиз факти сифатида қабул қилинган. З.Фрейд, аввало, онгсиз руҳий ҳолатнинг ички мазмунига эътибор берган. Онгсиз руҳий ҳолатнинг содир бўлишини таркибий қисмларга бўлиб ўрганган. Биринчидан яширинган латент ҳолидаги онгсизликни яъни қачонлардир онгли бўлиб кейинчалик онгсиз бўлган лекин кейинчалик онгли бўлиши мумкин бўлган; иккинчидан сиқиб чиқарилган онгсиз руҳий ҳолатларни яъни олдин онгли бўлган кейинчалик эса онгсиз бўлган ҳолатни ажратади. Биринчи онгсиз руҳий ҳолатларни З.Фрейд онг олди деб атаб уни сиқиб чиқарилган онгсизликдан ажратади. Барча руҳий ҳолатларни З.Фрейд уч тоифага бўлади: 1 – онгли, 2 – онгсиз, 3 – онг олди. З.Фрейд бу руҳий ҳолатларни нафақат бир бирига ўтишини балки уларнинг ички ривожланиш механизмларини ўлчаб беришга ҳаракат қилади. З.Фрейд томонидан руҳиятни таҳлил қилиш олдинги таърифловчи психологиядан катта фарқ қилади. З.Фрейднинг ўзи ҳам психоанализни олдинги таърифловчи психологиядан нечоғлик фарқ қилишини кўрсатиб беради.

Онгсизлик муаммосини таҳлил қилар экан, З.Фрейд ундан олдинги олимларга ўхшаб онгсизлик ҳолатларни инсон қандай қилиб англаши мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Агар онгсизлик онг томонидан илғаб олинмаса у ҳақида қандай қилиб тасавурга эга бўлиш мумкин? Ушбу саволга салбий жавоб берган олимларга қарши чиқиб З.Фрейд онгсизлик ҳақида илмий назарияни ишлаб чиқди. З.Фрейддан олдинги файласуфларнинг бир қисми онгсизликни тан олар экан, у ҳақида умумий абстракт фикрларни билдиришган. З.Фрейд эса онгсизликни асослашда ўзининг руҳий бетоб одамлар устидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ва кузатишларига асосланди. Фрейд шахсларнинг барча руҳий фаолияти онгсиз тусга эга бўлиб кейинчалик қисман онгли шаклга ўтади

деган хулосага келади. Ушбу жараёнда, З.Фрейднинг фикрича, онгсизликдан онглиликка ўтишда ҳар-хил тўсиқлар учрайди, шунинг учун онгсиз жараёнларнинг фақат бир қисми онглиликка ўтади. Биринчи навбатда З.Фрейд онгсизлик инсон фаолиятида қандай қилиб юзага чиқиши мумкинлигини очиб беришга ҳаракат қилди. Онгсизликни билиш учун инсон уни онг орқали илғаб олиши кераклигини З.Фрейд яхши тушунар эди. Онгсиз нарсани қандай қилиб онгли қилиш мумкин? Бутун муаммо шундан иборат эди. Онгсизликни онглилика ўтиши, онгни эса онгсиз жараёнларни пайқашини фактлар орқали таҳлил қилиш керак эди.

З.Фрейддан олдинги олимлар онгни пайдо бўлишига эътибор беришган бўлса, З.Фрейд онгсизликни пайдо бўлишига эътибор берди. Унинг фикрича, барча нарсалар инсон онгида акс этади кейинчалик эса улар хотирада сақланади вақт ўтгандан кейин хотирадаги нарсалар хиралашади ва онгсиз бўла бошлайди. Бундай хиралашган хотирадаги тассавурлар З.Фрейд фикрича онг олди деб ҳисобланади. Агар биз уларни сўз орқали ифода эта олсак, улар онг олди ҳолатидан онгли ҳолатга ўтадилар. Эндиликда сўз орқали ифода этилган руҳий ҳолатларни таҳлил қилиш зарурдир. Бу ерда яна катта қийинчилик пайдо бўлади, чунки ҳар бир олим сўз орқали ифода этилган руҳий ҳолатларни ўзининг дунёқарашидан келиб чиқиб таҳлил қилади. Бундай таҳлил қилишда сўзларни ички маъносини тушуниш катта аҳамиятга эга. Бу масалани З.Фрейд тўлақонли равишда ҳал қила олмади. У берган ечимни қисман тўғри деб ҳисоблашимиз мумкин. Сўзларни талқин қилишда психоаналитикнинг субъектив ёндавшув катта аҳамиятга эга. Шунинг учун руҳий таҳлилда сўзлар орқали ифода этилган онгсизлик ҳолати ҳар хил талқин қилинади. Кўриниб турибдики, онгсизликни тимсоллар орқали таҳлил қилиш ҳам субъектив тусга эгадир. Хотирадаги нарсаларни тимсоллар ва сўзлар орқали ифода этиш онгсизликни тўла очиб берормаслигини З.Фрейд ҳам тан олади. Бундан ташқари онг олди билан бир қаторда сиқиб чиқарилган онгсизлик ҳам мавжуддир. Парадоксал ҳолат юзага келади. Назарий жиҳатдан З.Фрейд онг олди деб атаган руҳий ҳолат амалий жиҳатдан сиқиб чиқарилган онгсизлик эди. З.Фрейднинг терапевтик амалиётида ишлатилган услублар орқали сиқиб чиқарилган онгсизлик З.Фрейднинг психоанализ назариясида онг олдига айланади. З.Фрейднинг назариясида онг олди ва онгсизлик ҳолатлари бир-бирга қоришиб кетган. З.Фрейд уларни оғзаки ажратса ҳам ўз амалиётида уларни ажратмаган. Натижада З.Фрейд қуйидаги хулосага келади. Психоаналитик олим худди файласуфга ўхшаб онгсиз руҳий ҳолатлар доирасини кўрсатиб берса ҳам уларни онгсизлик тушунчаси орқали аниқ ифода эта олмайди. Шундай қилиб, З.Фрейд инсоннинг руҳий ҳаётини онгсиз ва онгли қисмларга ажаратади. Онгсизлик З.Фрейд таълимотида марказий рол ўйнайди, онглилик эса онгсизликдан келиб чиқиб, унинг маҳсулидир. Онглилик онгсизликка нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга. Инсон руҳий ҳаётининг зиддиятларини З.Фрейд ўз даврининг хилма-хил манбалари ёрдамида очиб беради. Ғарб маданиятининг драматик ҳолатларини З.Фрейд ўзининг “Лаззатланиш тамойилининг нариги томонида” (1920), “Оммавий психология

ва инсон онгининг менлиги” (1921), “Мен ва У” (1923) каби асарларида маҳорат билан ёритиб берган.

Инсон онгидаги ушбу бўлинишни З.Фрейд ҳаддан ташқари мутлақлаштирган, унинг назарида онг ва онгсизлик ўртасидаги зиддият инсон ҳаётини фожиага олиб келади. З.Фрейднинг ушбу хулосалари унинг кайфиятини оптимистик ҳолатдан пессимизмга олиб келишига сабаб бўлди. Шундай қилиб онг ва онгсизлик масаласининг таҳлили фалсафа тарихида психоанализ таълимоти билан чатишиб кетган. З.Фрейд ўзининг психоанализ таълимотида онг ва онгсизлик масаласини инсон руҳий ҳаётининг феноменлари деб ҳисоблайди. Юқорида таҳлил қилганимиздек З.Фрейднинг назарий қарашлари уни зиддиятли вазиятга олиб келди ва натижада унинг қарашларига ҳам пессимистик руҳият ҳос бўлган. Ушбу зиддиятли ҳолатдан З.Фрейднинг шогирдларидан бири, веналик врач-психиатр А. Адлер қандай чиқиб кетиш мумкинлигини очиб беришга ҳаракат қилган. Ўз устозининг қарашларидан фарқли равишда А.Адлер психоанализга ҳос таълимотида онг ва онгсизлик масаласини инсон руҳий ҳаётининг феноменлари деб ҳисобламайди. Шунинг учун ҳам унинг қарашларида пессимистик руҳият сезилмайди.

2. ИНСОННИНГ РУҲИЙ ТАБИАТИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ КУЧЛАР ҲАҚИДАГИ АДЛЕРНИНГ ТАЪЛИМОТИ

Фрейднинг психоанализ таълимотида онг ва онгсизлик масаласини инсон руҳий ҳаётининг асосларидан бири эканлигини неофрейдизмнинг вакиллари яна бири К.Г.Юнг (1875-1961) ундан фарқли бўлган бошқача йўналишда ривожлантирди.


К.Юнг ўзининг "Психологик типлар" номли асарида инсон онги ва онгсизликка мансуб бўлган масалаларни фалсафа тарихи, шеърят, диний, маданий ёдгорликлар ёрдамида кўриб чиқди, уларни янги талқин қилишга ҳаракат қилди. Бу асар К.Юнгнинг ниҳоятда чуқур қомусий билимга эгалигини намоён қилди. Унинг психологик таҳлили фалсафий мулоҳазалар ва фалсафий дунёқараш даражасига кўтарилганлигини яққол кўрсатди.

Фалсафа тарихидаги схоластик оқимларни К.Юнг христиан илоҳиётчилари мисолида иккита психологик турдаги руҳий ҳолатини очиб берди. Биринчиси ўрта аср христиан динининг машҳур апологетларидан бири - Тертуллиандир. Иккинчиси ўша даврнинг яна бир машҳур вакили Оригендир.

К.Юнгнинг таъкидича, Тертуллиан ўзининг ниҳоятда юқори даражада ривожланган интеллектуал билимидан воз кечиб, уни ички илоҳий ҳиссиётга алмаштирди. Ориген эса интеллектуал билимидан воз кечмади. Лекин ўзининг жинсий аъзосини олиб ташлаб, хирсий ҳиссиётдан бутунлай воз кечди.

К.Юнг ушбу ҳолатни ягона либидонинг ҳар хил шаклли бўлиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш нотўғри деб ҳисоблайди. К.Юнгнинг бу фикри либидони тушунишда З.Фрейдга нисбатан кенгрок ва чуқуррок

карашга эга бўлганлигини кўрсатади. З.Фрейднинг таълимотида "Олий Мен" ота-онага бўлган муносабат билан айнанлаштирилган. К.Юнг эса либидони фақат хирс билан чекламасдан, психик энергия сифатида олади. Психик энергияни коинот миқёсидаги энергия деб ҳисоблайди. Бутун коинотни камраб олувчи бу энергия ҳаётий жўшқинлик, тириклик жараёнидир. Бу фикрларни асослаш учун К.Юнг қадимги ҳинд фалсафасига, Веда ва Бхагават Гиталарга мурожаат қилди. К.Юнг бутун олами бирлаштирувчи тимсол, символ, белги сифатида Брахманни олди.



Ҳаётий куч, жўшқинликни Брахмандаги руҳий энергия ташкил этади. Бу энергиядан бутун борлик - юлдузлар, сайёралар, ўсимликлар, ҳайвонот ва инсонлар яратилгандир. Агар табиатда бу энергия онгсиз бўлса, инсон онгида бу энергия ўз-ўзини англаш даражасигача кўтарилади. Лекин бу даражага ҳамма инсонлар ҳам етиша олмайди. К.Юнг фикрича инсон ўзининг ички оламига кира олиши керакдир. Бунинг учун инсон ўзининг яшириниб ётган ҳиссиётларини бошқара олиши лозим. Инсон ўзининг "Мен"идан воз кечиши лозим. Фақат шу тақдирдагина ўзининг чегараланган тафаккури занжирларини парчалаб, ўз онгини илоҳий онг Брахман онги билан бирлаштира олади. Бунинг натижасида инсон онги чексиз кенгаяди. Бутун борликка онги билан қўшилади. Бизга онгсиз бўлиб туюлган борликда қалб кўзи учун Брахманнинг олтинсимон нур - қуёши кўринади. "Брахман – бу Прана ҳам, - деб ёзади К.Юнг, - яъни ҳаёт нафаси ва коинотнинг ҳаёт тамойили; худди шундай Брахман бу - "Vaun" - яъни шамолдир. Инсонда ҳам, қуёшда ҳам бу Брахман яғонадир". "Ҳақиқий Брахманнинг қиёфаси олтинсимон нур-қуёш билан қопланган. Оҳ, Пушан, Савитри, Қуёш, бизга ҳақиқатни намоён қил!".

К.Юнгнинг фикрича, инсоннинг кучи Брахмандан келиб чиқади. Ҳаракатчан ижодий либидо кучини Брахманнинг чексиз ва сон-саноксиз шакллари ташкил этади. Коинотдаги ва инсондаги ҳаётий куч К.Юнг фикрича, энергиядир. Бу кучда қуйи ва юқори, иссиқ ва совуқ каби

зиддиятлар бўлганидек, либидода ҳам зиддиятлар мавжуд. Либидодаги зиддиятларни таҳлил қилиб, К.Юнг бу ҳол Брахманда ҳам мавжудлигини кўрсатади. Борлиқнинг асосчиси бўлган Дунёвий Онгни икки қарама-қарши манас - ақл ва "вас" - сўз бошланғичга ажратади.

З.Фрейд ўзининг "Мен ва У" асарида ҳам ақл ва сўз ўртасидаги зиддиятни очиб берди. Ақл онгнинг энг юзадаги ўз-ўзини англовчи қатлами бўлса, сўз эса ақлни онгсизлик билан боғловчи воситадир. Сўз орқали онгсиз шакл онгли шаклга айланади. Бу жараёни З.Фрейд инсон психологияси мисолида кўрсатган бўлса, К.Юнг айнан шу жараёни бутун борлиқ, коинот миқёсида татбиқ этади.

Шундай қилиб, К.Юнг З.Фрейд фикрларини умумлаштириб, коинот миқёсида талқин қилади. Инсоннинг ички олами бутун борлиқни ўзига камраб олиши ва барча жараёнлар инсоннинг ички дунёсида давом этишини кўрсатди. К.Юнг либидо тушунчасини А.Бергсоннинг ҳаётий жўшқинлик, давомийлик тушунчаси билан ҳамоҳанг эканлигини исботлаб берди.

Жисмоний куч сифатида хилма-хил кўринишларда намоён бўлади. Булар афсона ва мифлар орқали ифода этилади. Бу образлар бир-бирига боғланиб кетиб, ягона ҳаётий оқимни ташкил этади. Бу ўринда Анри Бергсон ҳам ўз фалсафасида ўхшаш фикрларни келтириб, бу оқимни "ҳаётий жўшқинлик" деб атаган эди. К.Юнгнинг фикрича, ана шу ҳаётий жўшқинликка ижодкорлик кучи хосдир. Либидо инсон тақдирини ҳам аниқлайди.

Бизнингча, дунёвий тартиб либидо тушунчаси билан аниқланади. Бу ҳолат коинотдаги юлдузлар ва сайёраларни бошқаради. Юқори энергиядан куйи даражадаги энергия ҳолатига ўтади. Шундай қилиб, либидо психик энергия орқали оламдаги умумий тартиб йўналишини белгилайди. Бу тартиб юнонларда "Нус, Логос", хитойларда "Дао" тушунчалари тимсолида ифода этилади.

Шунингдек, К.Юнг либидони ахлоқий қонун деб ҳам атайди. Инсон ўз табиатига монанд тарзда ўзининг ички ахлоқига биноан яшайди. Либидо тушунчаси инсоннинг ички ахлоқ қонуниятларига зид келмайди. К.Юнг фикрича, "юксак ҳаётий ютуқларга инсоннинг худбинлиги орқали эришилмаган, зотан худбинлик ҳеч қачон ҳаётнинг юқори поғонасига олиб чиқмайди". Инсоннинг ўз-ўзини ривожлантириши ҳам ҳаётнинг юқори поғонасига кўтара олмайди. Бунга сабаб инсондаги ижтимоий хусусият кучлилигидадир. Демак, ҳаётий юксакликка эришиш либидо қонуниятлари орқали юз беради. Жумладан, К.Юнг ўз хулосаларини қадимги Хитой фалсафасидаги "дао" ҳақидаги манбалар ҳамда қадимги Ҳиндистондаги илоҳий китоблардан келтирилган иловалар билан асослайди. Умуман олганда, унинг психологик ҳолатларга бағишланган тадқиқоти бутун жаҳон фалсафасини руҳий жиҳатдан боғлаш мумкинлигини исботлаб беришга қаратилган. Нафақат фалсафанинг, балки инсоннинг руҳий олами ҳамда бутун борлиқнинг руҳий олами ягоналигини ҳам яққол намоён этди.



З.Фрейднинг машхур шогирдларидан бири Карл Юнг билан бир каторда Веналик психиатр шифокор А. Адлер ҳам З.Фрейд таълимотини қаттиқ танқид остига олди. (1870-1937). Ўз ижодининг бошланғич даврида А.Адлер К.Юнга ўхшаб З.Фрейднинг психоанализ таълимотини ҳимоя қилади. Айниқса унинг тушлар талқини ҳақидаги асарини ёқлаб чиқади. А.Адлер невроз хасталигига чалинган бетобларни даволаш учун психоанализ таълимотидан кенг фойдаланади. А.Адлер Вена психиаторлар марказидаги невроз касаллиги бўйича йўналишга раҳбарлик қилди. Лекин ўзининг клиник фаолияти давомида А.Адлер этипов комплекс инсон онгсиз фаолиятининг жинсий жиҳатдан бошқарилишини нотўғри эканлигини тушуниб етди. З.Фрейд таъмолитида онгсиз ва фаолиятдаги руҳий қувват, энергия либидо тушунчаси орқали ифодаланар эди. А.Адлер онгсизликни фақат жинсий қувват сифатида талқин қилишга қарши чиқди. 1911 йилда А.Адлер инсон фаолиятини фақат жинси сексуал қувват билан тушунтиришга қарши чиқиб К.Юнг билан биргаликда З.Фрейднинг психоанализ таълимотидан узоқлашди. З.Фрейд ва А.Адлер ўртасидаги қарама-қаршиликлар шунчалар кучли эдики А.Адлер З.Фрейд психоаналитик жамиятидан кетишга мажбур бўлди. З.Фрейднинг догматик ортадаксал назариясини танқид қилиб, А.Адлер эркин психоанализ таълимоти тарафдорларини ўз атрофида бирлаштирди. Адлер Фрейднинг таълимотидаги инсон руҳияти жисмоний биологик сабабларга боғлиқ эканлигини инкор этиб, инсон руҳий ҳаётини жамият, ижтимоий шароитлар билан боғлади ва инсонни ижтимоий мавжудот деб атади. З.Фрейд қарашларида инсон онги ҳайвоний биологик тусга эга бўлса А. Адлер таълимотда инсон онги ижтимоий характерга эгадир. Неофрейдизм вакилларида бири К.Юнг онгсиз ҳолатларни тимсоллар орқали таҳлил қилган бўлса, А.Адлер онгсизликни тушунтиришда инсонинг ички номукамал ҳолатини таҳлил қилиб ўрнини тўлдирувчи механизмларга алоҳида эътибор қаратади. А.Альфреднинг фикрича инсон

жисмонан ожиз бўлиб туғилади, унинг эшитиш кўриш ва бошқа аъзоларида анча-мунча камчиликлар мавжуддир, шунинг учун ҳам инсон туғилган захотиёқ номукаммал бўлади. Инсон атрофдаги ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида асабийлашиб руҳий тушкунлик ҳолатини бошидан кечириши мумкин. Бу руҳий тушкунлик ҳолатида пайдо бўлган номукаммалик ҳис-туғусини енгиш учун инсоннинг онг остида ўрнини тўлдириш механизмлари мавжуд ва улар ушбу номукаммаликни енгиб ўтишга ҳаракат қиладилар, уларнинг ҳаракати онгсиз равишда инсоннинг фаолиятида намоён бўлади. Шундай қилиб, инсон онг остида номукаммалик ҳис-туғусини ва уни енгиб ўтувчи ўрнини тўлдириш механизмларининг фаолияти айниқса болалик даврида яққол кўзга ташланади. А.Адлер томонидан инсон психик фаолиятини таҳлил қилиш назарияси аслида бутунлай янги бир нарса эмас эди. Масалан, ўрта асрда яшаган мутуфаккир Б. Паскаль ҳам инсонда иккита куч борлиги ҳақида фикр юритган эди. Унинг фикрича инсон бир томондан номукаммал мавжудот бўлса, иккинчи томондан унда комиллик хусусиятлари ҳам мавжуддир. Б.Паскаль фикрича инсон ўз номукаммалигини англаб, бу ўткинчи дунёда ўзини бахтсиз деб ҳисоблайди. Инсон ўз номукаммалигини англаши унинг буюкликидан далолат беради.¹ Б.Паскальдан фарқли равишда А.Адлер инсоннинг номукаммалигини тан олиш билан чегараланмайди, унинг фикрича инсон онг остидаги ўрнини тўлдириш механизмлари номукаммаликни енгишга ҳаракат қилади ва шу туфайли инсон ижтимоий фаолият натижасида комиллика эришиши мумкин. Шундай қилиб З.Фрейддаги ҳирсий интилиш ўрнини А.Адлерда онгсизликдаги ўрнини тўлдириш механизмлари эгаллайди. Улар эса инсонни номукаммаликдан комилликка, ижодий фаолиятга буюкликка етаклайди. Ўз мулоҳазаларини А.Адлер қуйидаги мисоллар билан тасдиқлайди. Масалан, буюк юнон файласуфи Демосфен табиатан дудик бўлиб Грециянинг энг машҳур нотиклардан бири эди. Бетховен эса кар бўлишига қарамай Германиянинг энг машҳур композиторларидан бири бўлган. Машҳур драматург Шиллер ўзининг “Вильгельм Тель” асарида қахрамонлардан бирининг кўзини кўр қилиш жараёнини тасвирлайди Чунки, ушбу механизм сахнани тасвирлашда Шиллерга катта ёрдам беради. А.Адлер ҳам З.Фрейдга ўхшаб инсондаги ижодий қобилият невроз ҳолатида пайдо бўлишини такидлаб ўтади. Невроз ҳолатида ҳам ижод ҳолатида ҳам А.Адлер фикрича онг остидаги ўрнини тўлдириш механизмлар фаол хизмат кўрсатади ва номукаммаликдан комиллика ўтишга ёрдам беради. З.Фрейд инсондаги номукаммалик ҳис-туғуси неврознинг сабабчиси эканлигини инкор этади. Невроз ҳолати инсоннинг жисмоний заифлигидан келиб чиқиб, унинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлади. Фрейд “бадбашара ва ногирон одамларда невроз ҳолати камдан-кам учрайди” деб таъкидлайди.² Адлер ва Фрейднинг қарашларида онгсизлик масаласида анчагина ўхшашлик мавжуддир. А.Адлер З.Фрейднинг либидо тушунчаси ўрнига ҳукумронликка интилиш иродаси

¹ Паскаль Б. Мысли. Ж. де Лабрюйер Характеры, стр. 176.

² Адлер А. Роль бессознательного в неврозе. — «Психотерапия», 1913, № 1, стр. 5.

тушунчасини киритади. Бу интилиш заминда онг остидаги тўлдириш механизмлари ётади. А.Адлер фикрича ҳукумронликка интилиш иродаси инсон руҳий табиатини ҳаракатга келтирувчи асосий руҳий кучдир. Жисмоний жихатдан ожиз бўлган шахс, ўрнини тўлдириш механизмлари орқали ҳукумронликка интилади ва ушбу руҳий қувват орқали номукаммалликдан мукамалликка ўтади. Бошқалар устидан ҳукумронлик қилиш ер юзидаги кўпчилик одамларнинг орзусидир. Ҳукумронликка интилиш иродаси ҳақидаги А.Адлер фикрлари фалсафа тарихида янги бир мавзу эмас эди. Ф.Ницше фалсафасида ҳукумронликка интилиш иродаси энг буюк ҳаётий куч сифатида таҳлил қилинади. Ф.Ницше фикрича ҳукумронликка интилиш иродаси коинотнинг барча нуқтасида, жамики мавжудотларда ҳам мавжуд. У ўзининг “Ҳукумронликка интилиш иродаси” китобида ёзишича ибтидоий ўрмон дарахтлари ҳам ҳукумронликка интилади. Ҳар бир юлдузда ҳамда энг майда зарачаларда ҳам ҳукумронликка интилиш иродаси мавжуддир. Бу ирода ўз ўзини англамайди лекин инсон фаолиятида онгсиз равишда кучли руҳий интилиш сифатида юзага чиқади. Ҳукумронликка интилиш иродаси Ф.Ницше фикрича шундай бир руҳий қувватки у коинотдаги барча жонзотларга ҳосдир. Ҳукумдорлар ҳукумронликка интилишар экан, улар тожу-тахтни эгаллашни мақсад қилишади уларнинг фаолиятида онгсиз равишда ирода мавжуддир. Лекин аксинча Шакъямуни Буддага ўхшаш шахслар тожу-тахтдан воз кечишар экан уларнинг фаолиятида ҳам ирода мавжуддир. Демак Ф.Ницше ҳукумронликка интилиш иродаси деганида сиёсий ҳукумронликка эмас балки ундан бекиёс жараёнда кенг бўлган космик руҳий қувватни тушунган. Шундай қилиб ҳукумронликка интилиш иродаси ғояси Ф.Ницше ижодида ҳукумронликка интилиш иродаси концепциясига айланади. А. Адлер ҳам Ф.Ницшени ҳукумронликка интилиш иродаси ғоясини яхши билган ва бу ғояни психология фанида талқин қилишга ҳаракат қилган. Ҳукумронликка интилиш иродаси тушунчаси Ф.Ницше ва А.Адлер таълимотидан фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки Ф.Ницше ҳукумронликка интилиш иродаси деб ижодий инстинктив қувватни бутун коинотга хос бўлган психик кучни тушунган. А.Адлер эса инсон онг остидаги тўлдириш механизмлари фаолияти натижасидаги мукаммалликка қаратилган кучли руҳий интилишни тушунади.

Шундай қилиб фалсафа тарихида шаклланган ҳукумронликка интилиш иродаси ғояси А.Адлер томонидан психология фанига киритилади ва З.Фрейд руҳий таҳлил концепциясига қарши ғоя сифатида ишлатилади. Онгсиз руҳий интилишлар А.Адлер фикрича инсонга бекиёс руҳий куч-қувват ва чексиз имкониятлар очиб беради, бундай интилишлар ҳирсий тусга эга эмас. А.Адлер ва З.Фрейд ўртасидаги назарий мунозаралар ортида инсон руҳий ҳаётидаги онгсизликни бутунлай қарама-қарши тушуниш ётади. Юқорида таъкидлаганимиздек, З.Фрейд таълимотида онг ва онгсизлик ўртасида муносабатлар зиддиятли кучларнинг кураш сахнаси эди. Адлер онг ва онгсизлик ўртасидаги зиддиятлар ва қарама-қаршиликларни бартараф ётади. З.Фрейднинг онгсизликка хос бўлган ҳирсий қувватини янгича таҳлил

килади. Шунингдек, З.Адлер фикрича онгли ва онгсиз фаолият бир бирига боғлиқ бўлиб, уларни ажратиш қийин. Чунки, онгсизлик англаб олинмаган нарсалар бўлиб улар англаб олинганидан кейин онгли тусга эга бўлади ва онгсиз интилишлар ҳам англаб олинганидан кейин онгнинг эътиборига тушади. “Биз, - ёзади А.Адлер, - онгни онгсизликка қарама-қарши қўёлмаймиз, чунки улар индивиднинг, антагонистик қувватларини ташкил этмайди. Онгли ҳаёт биз уни англамасак онгсизга айланади, онгсиз интилишлар эса уларни англаганимиздан кейин онглига айланади”.

Шунга қарамасдан З.Фрейд ва А.Адлернинг назарий ёндашувларидаги фарқ айтарли даражада катта эмас. Онг ости руҳий қувватларнинг бирламчи сабабларини талқин қилишда А.Адлер ва З.Фрейд ўртасида фарқ бўлса ҳам, инсоннинг ички руҳий ҳаётини психологик услублар орқали ўрганишда уларнинг ўртасидаги фарқ катта эмас. З.Фрейдда инсон руҳий фаолиятининг сабаби – бу хирсий интилишлардир. А.Адлерда бу сабаб – ҳукумронликка интилиш иродасидир. З.Фрейднинг руҳий таҳлил назариясида ҳам, А.Адлернинг индивидуал психологиясида ҳам муҳим бир умумийлик бор – бу улар томонидан тан олинган онгсиз руҳий қувватнинг шахснинг ҳаётидаги биринчи даражали ўрнидир. Бу иккала таълимот ҳам ўзнинг якуний ҳулосаларини ҳимоя этар экан бир бирини танқид қилади. Лекин иккала таълимот ҳам инсоннинг руҳий ҳаётида онгсизликни биринчи даражали аҳамиятини тан олишади. Аста-секин А.Адлер инсоннинг муракаб ҳаётини тушунтиришда фақат онгсизлик руҳий қувватидан келиб чиқиш олимнинг дунёқарашини чегалараб қўйшини тушуниб етди. Инсоннинг ички руҳий ҳаётини тушуниш учун биз шахснинг жамият, табиат ва бошқа индивидлар билан ўзоро мураккаб хилма-хил муносабатлари ва таъсирланишларини изчиллик билан ўрганиб чиқишимиз лозимдир. З. Фрейд фикрича гўдакнинг эътибори фақат ўзига қаратилган бўлса, А.Адлер бўйича боланинг эътибори атрофидаги ижтимоий муҳит, муносабатларга йўналтирилган. Инсон ижтимоий мавжудот бўлганлиги учун унинг барча ҳаракатлари атрофидаги инсонлар ташкилотлар шарт-шароитлар билан белгиланади. Уларни ҳисобга олмаслик ҳатоларга олиб қелади. Шундай қилиб Адлер инсоннинг ҳаёти жамиятдан ташқарида бўлолмайди деб ҳисоблайди ҳамда унинг фикрича инсон ҳаёти ташқи ижтимоий муносабатлар билан ҳам белгиланмайди. Веналик руҳий таҳлилшунос инсоннинг жамиятга ижтимоий идораларга муносабати ҳамда унинг бошқа одамлар билан моддий муносабатларига ҳам катта аҳамият берган. А.Адлер инсонларнинг меҳнат фаолиятига хусусий мулкнинг келиб чиқишига меҳнат фаолиятининг бўлинишига ва хусусий мулк туфайли пайдо бўлган ижтимоий ташкилотларга, уларнинг инсон руҳий ҳаётига бўлган таъсирига катта урғу беради. Адлер хусусий мулк ва пул муносабатларининг шахснинг руҳий ҳаётига бўлган салбий таъсирини очиқ беради. Жамиятдаги ахлоқий қадриятлар инсонларнинг моддий бойликка бўлган қизиқишларини кучайтиради. Айнан шу қадриятлар, хусусий мулк асосидаги иқтисодий муносабатлар одамларнинг ҳулқ-атворини шаклланишига сабаб бўлади. Бу борадаги А.Адлернинг фикрлари материалистик позицияга ниҳоятда яқин бўлган, чунки унинг фикрича инсон

ижтимоий муносабатлар махсулидир. А.Адлер шундай деб ёзади: “Бизнинг инсон масаласидаги ёндошувимиз асосида Марксистик дунёқарашга яқин қарашлар ётади”. Албатта А.Адлернинг қарашлирини соф манода марксистик деб бўлмайди. Дарвоқе у ўз қарашларини З.Фрейд ва К.Юнг қарашларидан ҳам ажрата олмаган. Чунончи, А.Адлер неофрейдизм оқимининг йирик вакилларида бири ҳисобланади. Инсоннинг руҳий ривожланишидаги ижтимоий шароитлар таъсири А.Адлер ижодида муҳим аҳамият касб этади. Ўша даврда ҳатто классик руҳий таҳлил назариясининг изчил тарафдорлари ўртасида ҳам ижтимоий психологияга қизиқиш кучли бўлган, шунинг учун Адлер таълимоти кўпгина олимлар ўртасида кенг тарқалган. Ҳатто З.Фрейд ҳам инсон руҳий табиатига хусусий мулк муносабатлари ижтимоий шарт-шароитлари, ижтимоий манфаатларнинг таъсири ҳақида ёза бошлади. Аммо А.Адлер назариясида ижтимоий манфаат инсон руҳий табиатининг асосини ташкил этади. Бизнинг фикримизча А.Адлернинг ёндашуви З.Фрейдникига нисбатдан ижобий психологик ёндашувдир чунки, у инсоннинг руҳий табиатини жамиятдаги муносабатлар билан алоқасини очиб беради.

А.Адлернинг психологик ёндашувини материалистик фалсафий ёндашув билан ўхшашлиги ҳақидаги фикрларни биров таҳлил қилсак бўлади. А.Адлернинг ёндашувида ижтимоий манфаат ва ижтимоий муносабатларнинг инсон руҳий табиатига салбий таъсири масаласи кўпроқ таҳлил килинган, материалистик фалсафада эса ижтимоий муносабатлар ва инсон табиати ўртасидаги барча қирралар эътибор марказига олинади. А.Адлер узоқ йиллар давомида невроз касаллигига чалинган одамларни кузатганлиги учун у эътиборини кўпроқ инсонларнинг табиатидаги салбий ҳолатларга қаратади. А.Адлер эътиборини жамиятдаги бегоналашган ижтимоий муносабатлар масаласи ўрнига одамларнинг ушбу бегоналашишга бўлган руҳий таъсирланишлари ва руҳий ҳолатларини ўрганиш масаласи тортади. Шунинг учун у кўпроқ инсонлар характеридаги салбий хусусийятларни ўрганиб уларнинг келиб чиқиш масаласига эътибор бермайди. А.Адлер жамиятдаги ижтимоий муносабатларининг, ижтимоий манфаатнинг келиб чиқишига бефарқ бўлган. Бундан ташқари ижтимоий манфаат, ижтимоий ҳис-туйғулар инсон руҳий табиатида туғма равишда мавжуд бўлиб улар материалистик фалсафадан фаркли равишда пайдо бўлмайди. А.Адлернинг фикрича инсон табиатига ҳос бўлган ижтимоий манфаат ўзгармайди, у туғма равишда қандай бўлган бўлса ўшандайлигича қолаверади. А.Адлер таълимотида инсон, бир тарафдан, табиатан номукамал мавжудот бўлиб ўз номукамаллигини ҳукмронликка интилиш иродаси ҳис-туйғуси орқали енгилга ҳаракат қилса, иккинчи томондан инсон бутун жамият ва табиат билан гармоник ҳис-туйғулар орқали боғлиқ бўлган мавжудот бўлиб унга космик руҳий қувват ҳосдир. Инсоннинг номукамал ва космик мукамал тарафлари ўртасида изоҳга муҳтоҷ муносабат ва ҳолатлар мавжуддир. Индивидуал психология ўз олдида онгсиз ҳукмронликка интилиш иродаси ҳис-туйғусини ҳамда инсондаги ижтимоий манфаат табиатини ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Индивидуал

психологиянинг асосий мезони – бу ижтимоий манфаат бўлиб у орқали индивидуал психология барча руҳий ҳолатларни ўрганишга ҳаракат қилади.

Ижтимоий манфаат тушунчасидан ташқари А.Адлер инсон руҳий табиатини ўрганишда онгсиз ҳукмронликка интилиш иродаси ҳис-туйғусини ҳам асосий мезонлардан бири деб ҳисоблайди. Айнан улар инсон руҳий табиатини шакллантирувчи ва ҳаракатга келтирувчи иккита асосий руҳий куч қувватдир, улар таъсири остида инсоннинг онгсиз табиатида барча руҳий ўзгаришлар содир бўлади ва инсон номукаммаликдан мукаммаликка қараб ривожланиши ҳам шу иккита руҳий куч қувват натижасида содир болади. Ижтимоий манфаат тушунчаси деб А.Адлер инсонга ҳос бўлган ижтимоий ҳаётга қизиқиш ҳаётни бошқа одамлар кўзи орқали кўриш бошқа инсонларни ҳис қилиш каби руҳий қувватни назарда тутди. Ижтимоий манфаат асосида барча ахлоқий иқтисодий, маданий юридик муносабатлар қурилган. Адлер таълимотидаги ижтимоий манфаат ва ҳукумроликка интилиш иродаси шахсни жамиятдаги шарт-шароитларга яхшироқ мослашишига жамиятдаги қадриятларни ҳурмат қилишига олиб келади. Юзаки қараганда А.Адлернинг ижтимоий манфаат тушунчаси билан ҳукмроликка интилиш иродаси ўртасида зиддият бўлиш керак, чунки ижтимоий манфаат онгли руҳий қувват бўлса ҳукмроликка интилиш иродаси эса онгсиз руҳий кучдир лекин, аслида уларнинг иккаласи ҳам инсонни номукаммаликдан мукаммаликка етакловчи ўринни тўлдирувчи (компенсатор) руҳий кучлардир. “Айнан ижтимоий манфаат туфайли шахс хилма-хил шароитларга мослашади, қийинчиликларни енгиб ижтимоий шарт-шароитларга, муҳитга кўникади. Бу эса ижтимоий манфаатни худди ҳукмроликка интилиш иродаси каби мукаммалликка етаклайди”. Бу иккала руҳий қувват ҳам инсоннинг онгсиз руҳий табиатидаги номукаммаликдан, заифликдан келиб чиқади ва бу заифликни енгишга қаратилган компенсатор кучлардир. А.Адлер фикрича ижтимоий манфаат тушунчаси индивидуал психологиянинг асосий мезони бўлиб, унинг назариясини Фрейд таълимотидан тубдан ажратиши керак эди, лекин А.Адлернинг барча уринишлари инсон табиатидаги, биологик ва ижтимоий табиатни бир биридан ажратишга ёрдам бермади ва Адлернинг индивидуал психологияси кўп жихатдан Фрейднинг руҳий таҳлил назариясига ўхшар эди. Адлер назариясидаги онгсиз бўлган ҳукмроликка интилиш иродаси ва ижтимоий манфаат онгли руҳий қуввати айрим жихатлари билан З.Фрейд назариясидаги хирсий интилишларга ўхшаб кетади. Шунинг учун А.Адлер таълимоти З.Фрейдникидан фарқ қилса ҳам табиатининг ижтимоий ва биологик манбаларини тушунтиришда фрейдизмнинг замонавий ёналиши бўлиб қола веради. Аммо А.Адлер инсонни фақат биологик мавжудот эмас балки ижтимоий мавжудот деб ҳисоблайди ва шу билан З.Фрейдга нисбаттан муҳим бир қадам олға ташлайди. Шундай қилиб А. Адлер таълимотидаги ҳукмронликка интилиш иродаси ва ижтимоий манфаат руҳий қувватлари инсоннинг табиатида туғма шаклда мавжуд бўлиб уларнинг иккаласи ҳам ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида аста-секин ривожланиб, юзага чиқади. Шунинг учун А.Адлер бола тарбиясига ниҳотда катта эътибор беради. Унинг фикрича тарбия

орқали инсондаги ижтимоий манфаат ҳис-туғисини йўналишга қаратиш мумкин ва шу орқали инсоннинг онгсиз салбий руҳий қувватларини камайтириб уни ижтимоий фаол меҳнат орқали ижобий руҳий қувватларини кучайтиришга ёналтириш мумкин. Фарзанд тарбияси эса асосан оила ва мактаб доирасида бошланади, инсоннинг ижтимоий мавжудотга айланиб боришида оиланинг аҳамияти биринчи даражалидир. Оиладаги муносабатлар, ота ва онанинг ўзаро муносабатлари, ака-укалар, опасингиллар ўртасидаги муносабатлар ҳам тарбия орқали тўғри қўйилса фарзанд келажақда етук баркамол шахс бўлиб тарбияланади. А. Адлернинг оила ҳақидаги фикрлари ҳозирги вақтда ҳам ниҳоят долзарб бўлиб келмоқда. Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда қуйидаги хулосаларни қилишимиз мумкин: А. Адлернинг индивидуал психологиясида инсоннинг руҳий табиати ва уни ҳаракатга келтирувчи иккита асосий куч – ижтимоий манфаат ҳамда ҳукмроликка интилиш иродаси таҳлил қилинади ва бу икки куч инсон руҳий ҳаётининг онгсиз компенсатор яъни, ўрин тўлдирувчи руҳий механизмлари эканлиги аниқланади.

А. Адлер фикрича ижтимоий манфаат ва ҳукмронликка интилиш иродаси инсоннинг онгсиз руҳий механизмлари эканлиги аниқланади. Бир томондан А. Адлер таълимоти З. Фрейдникидан фарқ қилади. У ижтимоий манфаатга асосий эътиборни қаратади, лекин айрим қарашлари З. Фрейдникига бир-мунча ўхшаш негаки у ҳам ўз таълимотида ижтимоий манфаат онгсиз туғма руҳий қувватдир деб ҳисоблайди.

3. АДЛЕР ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН МАСАЛАСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

А. Адлер сабаб ва мақсад масаласини таҳлил қилишда З. Фрейд назариясига қарши чиқди. Чунки, ушбу масалани ўрганиш инсоннинг руҳий ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Руҳий жараёнларни талқин қилишда А. Адлер асосан К. Юнг қарашларига эътибор беради. З. Фрейд ўзининг таълимотида барча онгли жараёнларини онгсизлик билан узвий равишда боғлаган бўлса, А. Адлер онг ва онгсизликни талқин қилишда З. Фрейднинг руҳий таҳлил назариясидан узоқлашди.

А. Адлернинг онгсизликни барча онгли руҳий ҳолатларга сабаб қилиб кўрсатиши кўпгина руҳшунос ва файласуфларга ҳос бўлган. Унинг фикрича инстинкт ва импульслар инсон руҳий фаолиятини йўналтирувчи сабаблар бўлолмайди. Чунки, инсоннинг руҳий ҳолатлари, ўзини ҳар-қил вазиятда қандай тутуши инсон ўз олдига қўйган мақсадларга боғлиқдир. А. Адлер онгсизлик инсоннинг онгли ҳолатларига бевосита таъсир кўрсатмаслигини фақат инсоннинг руҳий фаолиятини мақсадларга қаратилган жараён эканлигини таҳлил қилади. Инсоннинг руҳий шаклланишида, ривожланишида жамиятдаги ўз ўрнини топишда А. Адлер онгсиз компенсатор механизмларнинг аҳамияти ниҳоятда муҳим деб ҳисоблайди. Чунки, улар инсондаги номукаммалликни енгилда катта ёрдам кўрсатади. Умуман олганда инсоннинг барча онгли ҳаракатларида онгсиз ўрин

тўлдирувчи механизмларнинг таъсири бекиёсдир. Онгсиз ўрин тўлдириш механизмлари руҳий фаолиятини қандай шаклда содир бўлишини кўрсатади, лекин бу руҳий фаолиятини сабабларини очиб бермайди. Руҳий фаолиятининг сабаблари инсон ўз олдига қўйган мақсадлардан қилиб чиқади.

Инсон руҳий ҳаётининг маъноси ўз олдига қўйган мақсадлари, номукаммалликдан комилликка интилиши – буларнинг барчаси фалсафий масалалар бўлиб психология ва фалсафанинг чегарадош соҳасига тегишлидир, шунинг учун ҳам А.Адлер ўз назариясини шакллантиришда фалсафага мурожаат қилди.

Фалсафа тарихида инсон ҳаётининг мақсади узоқ йиллар давомида кўпгина файласуфларни қизиқтириб келган. Мақсад тушунчасини талқин қилишда фалсафа тарихида иккита йўналиш ажралиб чиққан: телеологик йўналиш бутун борликка мақсад ҳос деб ҳисоблаган, иккинчиси – инсон руҳий эркинлигини, борликдаги барча воқеалар мақсадсиз, руҳий кучлар ўйини сифатида содир бўлишини таъкидловчи йўналишдир. А.Адлернинг позицияси биринчи йўналишга яқинроқдир.

Адлер бу масалини ҳал қилишда И.Кантнинг субъектив-идеалистик ёндошувиغا асосланади, лекин И.Кант инсон субъектив фаолиятининг онгли сабабларига ва мақсадларига эътибор берган бўлса, А.Адлер инсон фаолиятининг онгсиз механизмларга қаратган. Чунки, унинг фикрича инсон фаолиятининг мақсадлари заминида онгсиз тўлдирувчи механизмлар ётади.

Кант таълимотидан қилиб чиқиб мақсад масаласи борасида А.Адлер Дильтейнинг ёндошувиغا яқин фикрга келади. Дильтейнинг фикрича мақсад ҳақидаги тасаввурларимиз онгсиз табиатга эга бўлиб, инсон фаолиятида онгли равишда намоён бўлади. Чунки улар реал мавжуд бўлган руҳий қувватларни ўзида мужасамлаштиради. Дильтей таълимотида ҳақиқий руҳий реаллик – мақсадга интилиш руҳий қувватдир, Дильтейда эса ягона руҳий реаллик – бу мақсаднинг ўзидир. А.Адлер мақсадни фикция деб атайди. Унинг учун ушбу тушунча ёрдамида инсон зидиятли, карама – қаршиликларга тўла ҳаёт гирдобига ўзи учун тўғри бўлган йўналиш топиб олади.

Фикция – шундай бир руҳий мосламаки, унинг ёрдамида инсон ўз ҳаёти позициясига эга бўлади. Мақсадни бундай тушуниш А.Адлер таълимотида машҳур немис файласуфи Г.Файхингер таъсири натижасида шаклланган. А.Адлер карашларга унинг “фалсафа мумкин бўлганида эди” (1911 йил) деб номланган китоби катта таассурот кўрсатган эди.

Мақсад тушунчасини талқин қилишда А.Адлер фалсафа тарихидаги фикция тушунчасидан фойдаланади. Чунки, бу тушунча шундай бир руҳий мослама ролини бажарадики унинг ёрдамида инсон ўз ҳаётининг асосий йўналишини топиб олади. Сабаб муносабатларини ўрганиш ҳаёт мақсадини очиб бермайди, чунки ҳаётий жараён – мақсадсиз нарсадир, биз мақсад деб интилган нарсалар аслида фақат бизнинг руҳий ҳолатимизда мавжуд бўлган руҳий мосламалардир. Мақсад А.Адлер фикрича инсоннинг онг остида мавжуд бўлган руҳий лойиха бўлиб, руҳий жараёнлар ва ҳолатлар уш бу лойиха асосида содир бўлади.


Шундай қилиб, А.Адлер, инсоннинг ички дунёсида телеологик куч мавжуд бўлиб у инсоннинг барча ҳаракатларини бошқаради, деб ҳисоблайди. А.Адлер фикционалистик телеология концепциясини шакллантиради. Ушбу концепцияга биноан ҳар бир шахс ўзининг дунё қарашига ва бу дунё қараш асосланган фалсафасига эгадир. Содда қилиб айтганда ҳар бир инсоннинг ўз фалсафаси бор. Инсоннинг барча ҳаракатлари ушбу фалсафа доирасида содир бўлади. Шахснинг ушбу фалсафий дунёқарашини А.Адлер ҳаёт тарзи деб атади.

Инсоннинг онгсиз руҳий қатламларида мавжуд бўлган руҳий лойиҳа унинг барча ҳаракатларини онгсиз равишда бошқаради ва ўзи танлаган ҳаётий мақсадга етаклайди. Индивидуал психологиянинг асосий мақсади ушбу онгсиз руҳий лойиҳани амалга оширишда шахсга ёрдам бериш бу руҳий лойиҳани ижтимоий манфаат билан бир бирига мослаштиришдир. А.Адлернинг фикционалистик телеологияси субъектив идеалистик тусга эгадир, чунки, инсоннинг барча ҳаёти – ҳаракатлари, ижтимоий фаолияти унинг ички дунёсидаги руҳий лойиҳа билан белгиланади, инсон ҳаёт мақсадига ҳам шу лойиҳа туфайли эришади.



Инсон ички дунёсидаги бу руҳий лойиҳа илк бор болалик чоғларида шаклланади, айнан шу даврда бола ҳаёт қийинчиликлари билан тўқнашади. Уларни енгишга шу лойиҳа асосида ҳаракат қилади. А.Адлер ёзишича, инсоннинг хоҳиш – истаклари ушбу руҳий лойиҳада яширинган онгсиз ҳолатга мавжуд ва шахс уларни амалга оширишга ҳаракат қилади.

А.Адлернинг ички индивидуал руҳий лойиҳа ҳақидаги фиклари кейинчалик экзистенциализм фалсафий оқимида кучли таъсир этди, масалан, А.Адлернинг индивидуал руҳий лойиҳа ғояси экзистенциализмнинг йирик вакили Ж.П.Сартрнинг “Борлик ва йўқлик” асаридаги асосий ҳаётий лойиҳа тушунчасини шакллантиришига манба бўлди.



А.Адлер индивидуал психологиясидаги ғоялар экзистенциализмнинг йирик вакиллари Сартр, Хайдеггер, Ясперсларнинг ижодидаги асосий ҳаётий лойиҳа, инсон номукаммаллиги, ижтимоий манфаат ғояларига кучли таъсир кўрсатган.

Телеологик рухий лойиҳа, ҳар бир шахснинг индивидуал фалсафаси инсон ҳаётининг заминида ётиб унинг барча интилишларига сабаб бўлади, бу интилишларнинг барчаси мақсад сари йўналтирилган. Инсон ҳаётини йўналтирувчи барча интилишларни бир йўналишга солувчи бу асосий ҳаётий мақсад нимадан иборат экан? Адлер узоқ йиллар давомида бу саволга жавоб тополмади. Ижодининг бошланги даврида Адлер ҳаётий мақсад сифатида ҳукмроликка интилиш иродасини тушунади, бу эса онгсиз тўлдирувчи механизм орқали номукаммалликдан мукаммалликка ўтиш учун хизмат қилар эди. Кейинчалик А.Адлер ҳукмроликка интилиш ғоясини юксалишга интилиш ғояси билан алмаштирди, бу ғоя эса шахснинг жамиятдаги иқтисодий мавқеси, жамията унга кўрсатилган ҳурмат – эҳтиром билан шахс эришган олий маълумот унинг рухий ахлоқий маънавий ривожланиши каби қадриятлари билан боғлиқ. А.Адлер асарларида инсон ҳаётининг олий мақсади сифатида баркамол инсонга айланиш ғояси учрайди.

Ўзининг охириги асарларида ҳукмронликка интилиш ғоясидан юксалишга интилиш ғоясига ўтар экан А.Адлер инсон ҳаётининг олий мақсади – баркамолликка эришиш деб ҳисоблайди ва баркамол инсон концепциясини яратишга ҳаракат қилади. Баркамолликка интилиш инсон ҳаётининг энг олий интилишидир, бу интилиш инсоннинг эволюцион табиий ва ижтимоий ривожланиш жараёнидаги ижобий тараққий ўзгаришлари ҳақида далолат беради, Адлернинг фикрича бу интилиш инсонни индивидуал табиатига туғма равишда ҳосдир, баркамолликка интилиш инсон ички дунёсидаги ўзликни юзага чиқаради. Баркамолликка эришган инсон ўзлигини

билади ва барча қобилиятларини юзага чиқазади, ундаги ижодкорлик ҳис-туйғуси етакчи ҳис-туйғуга айланади. А.Адлер фикрича, баркамол инсон ўз фаолиятини англаб етган ижодкор шахсдир.

Адлернинг ушбу фикрларига ўхшаш фикрлар К.Юнгнинг аналитик психологиясида ҳам мавжуд, К.Юнг ҳам онгсиз руҳий қувватлар ичидан ўзликни алоҳида ажратади ва баркамолликка эришишни ўзлик билан боғлайди. Аммо, К.Юнгнинг таълимотида ўзлик бу аслида инсоннинг ички руҳий оламида Худонинг борлигидир. К.Юнгнинг қарашлари диний эътиқод билан чамбарчас боғлиқдир.

Агар Ницше таълимотида ҳукмронликка интилиш иродаси инсонни идеал одамга айланишига ёрдам берса, К.Юнгда эса индивидуация жараёни инсонни худо билан қўшилишига ҳизмат қилади. А.Адлерда эса баркамолликка интилиш натижасида инсон ўзи учун ўзи олий мақсад эканлигини жамият ёрдамида англаши керак. Мукаммалликка интилиш А.Адлер томонидан психологик архетип сифатида тарифланади, у сиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмас эди, чунки бу интилишсиз шахс ҳам одамзот ҳам қийинчиликларни енгиб баркамолликка эришолмайди.

Мақсадни А.Адлер томонидан бундай тушуниш З.Фрейд таълимотидаги мақсадни шахси лазатланиш тамоили сифатида тушунишга қарама-қарши эди. З.Фрейд инсон табиатида мукаммалликка интилиш туғма табиатга эга деб ҳисоблайдиган олимларни кескин танқит қилиб, бундай шахсларни борлигига ишониш ниҳоятда мароқли иш бўлар эди деб ҳисоблайди. У шундай деб ёзади: “Афсус, мен инсонларда бундай туғма мукаммалликка интилиш борлигига ишонмайман ва бундай фикрни сароб деб ҳисоблайман”. Адлер ва Фрейднинг қарашлари бир бирига зид болса ҳам қизиқарли бир нарса кўзга ташланади: А.Адлернинг мукаммалликка интилиш ҳақидаги ғояси XX асрнинг 30 чи йиллардаги асарларда ёзилган, айнан шу пайтда З.Фрейд бу масала бўйича ўз қарашларини қайта қараб чиқди. З.Фрейд ўзининг “Бир ҳаёлнинг келажаги” асарида ёзишича “ҳаётнинг буюк бир мақсади бор, бу мақсад инсонни мукаммалликка етаклаши ёки аксинча ҳам бўлиши мумкин”. Улар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар кейинчалик З.Фрейд томонидан юмшатиш ва силликлантирилган эди.

Индивидуал психологиянинг вазифалари, А.Адлер фикрича, мумтоз психоанализ таълимотидан фарқ қилса ҳам (Фрейд ўз эътиборини онгли ва онгсиз жараёнлар ўртасидаги зиддиятларга қаратган эди, А.Адлерда эса бутун эътибор инсон ҳаётининг мақсадига қаратилган эди; Фрейд “Мен” ва “У” ўртасидаги зиддиятли вазиятларни таърифлашга ҳаракат қилган. А.Адлер эса шахсий ҳаётдаги носозликларга ўз эътиборини қаратди уларни тарифлаб инсон ўзлигини билишда ижтимоий манфаат ва жамият рулини тарифлаб берди), аслини олганда эса бу иккала таълимотда ҳам гап бир нарса ҳақида борар эди – бу шахс ва жамият, инсон ва маданият ўртасидаги бегоналашиш инсонни, жамият ва табиатдан узоқлашиб кетиши ҳақида борар эди.

Улар ўртасидаги фарқ шундан иборат эдики А.Адлер таълимотида инсон ижтимоий ҳаётининг борлигининг бир қисми деб ҳисобланади. З.Фрейд

таълимотида ижтимоий ҳаёт “Мен” руҳий қуввати ёрдамида инсоннинг руҳий ҳаёти таркибига киради, бунинг натижасида шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар ўзгармайди. К.Юнг ва З.Фрейд ўртасидаги фарқлар ва зиддиятлар фақат хусусий масалалар мавжуд эди, А.Адлернинг таълимоти ҳам З. Фрейдникидан кескин фарқ қилмас эди. З.Фрейднинг ўзи ҳам К.Юнгга нисбатдан А.Адлер индивидуал психологиясининг асосий тамойилларини ўзининг мумтоз психоанализ таълимотига яқинроқ деб ҳисоблар эди.

З.Фрейд бу борада шундай деб юзади: Мутлақ ҳато таълимот бўлса ҳам унда мантиқий изчиллик мавжуд бўлиб у ҳали ҳам инсоннинг ички онгсиз интилишлари билан ўз алоқасини йўқотмаган. Шу билан бир қаторда Адлер индивидуал психологиясида шундай бир муҳим ижобий ютуқ борки у шу билан З.Фрейд таълимотидан тубдан фарқ қилади. Бу муҳим ютуқ А.Адлернинг психологиясида фаоллик тамойилини биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблаш ва бу фаолликни инсоннинг ички дунёсида ҳам ахтариб топиш эди, ушбу тамойилдан А.Адлер инсон руҳий табиатини таҳлил қилишда фойдаланар ва невроз касаллигига чалинган одамларни даволашда ҳам уни қўллар эди. Касалларни даволаш жараёнида А.Адлер уларнинг касаллик билан курашидаги фаол ҳаракатларига ҳам орқа қилар эди: врач ўз интуициясидан фойдаланиб касалнинг ички дунёсига киради ва касаллик сабабини юзага олиб чиқади, лекин, касалликни батамом тузалиши беморнинг хатти – ҳаракатларига, ҳаёт тарзини ўзгартиришга, касаллик сабабини англаб етишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан А.Адлер инсонни ўз тақдирини ўзи яратувчи шахс деб ҳисоблайди, ўзининг ички руҳий ҳолатларини шакллантирувчи, ўзини шахс сифатида баркамол инсон қилиб яратувчидир.

А.Адлер учун ҳар бир индивид ягона шахс сифатида мавжуд. У ижодий куч қувват орқали ўзлигини яратади, индивид бир вақтни ўзида ҳам ижодкор рассом, ҳам у яратган расмдир. У ўз шахсини яратувчи рассомдир, рассом сифатида у хато қилмайдиган хизматчи ҳам, ўзтанаси ва ақлини мукаммал тушунадиган шахс ҳам бўлолмайди, у заиф ҳатоларга йўл қўйувчи ожиз номукаммал инсондир. Аммо, бу заивлик ва ожизлик инсон учун куч қувватга айланиши мумкин; Адлер фикрча уш бу ожизлик инсондаги онгсиз тўлдирувчи (компенсатор) механизмларни ишлатиб юборади ва улар ёрдамида инсонда онгсиз равишда мукаммаликка юксакликка интилиш шакилланади, инсон ўз заивлигини енгиб баркамоликка эришиши мумкин ва шу орқали у ички дунёсида яширинган ўзликни англаб етади.

А.Адлернинг инсон ички дунёсида яширинган юксакликка интилиш компенсатор механизмлар ҳақидаги таълимоти шак – шубҳасиз Фрейдга нисбатдан бир қадам олдинда эди. Шахсни ўз ижодкорлиги маҳсули сифатида тушуниш унинг ижоди фаолияти сирини очиш учун имконият яратар эди, бу эса инсони табиат ва жамият билан бўлган алоқаларини фаоллаштиради, эндиликда инсон жамият ва табиатнинг фақат пассив маҳсули эмас балки, у ўзи ҳам табиат ва жамиятга фаол таъсир кўрсата олувчи шахсдир. Шахсни бундай тушуниш А.Адлер таълимотида ижодий имкониятларни очар эди, инсон онг остида уни ожизликдан мукаммаликка

етакловчи механизмлар борлигини асослаш инсондаги ижодкорли қобилиятини асослаб беришга илмий имкон очиб берди. З.Фрейд назариясида эса инсон ижодкор шахс эмас балки нафс ва хирс туйғуларига берилган ожиз номукамал биологик мавжудот эди.

Материалистик фалсафий таълимотда инсон бир тарафдан табиий эволюция маҳсулидир иккинчи тарафдан эса у ижтимоий муносабатлар айниқса иқтисодий муносабатлар маҳсулидир. Материализм инсондаги онгсиз руҳий ҳолатларни тушунишда асосий урғуни тарбия ва ташқи муҳит таъсирига беради, инсон онги бамисоли тоза бир қоғоздир ва ташқи муҳит бу қоғозга ўз симоларини ёзиб тушуради, ташқи муҳит қандай бўлса инсон тарбияси ҳам шундайдир. Аммо Адлерда инсон онги тоза бир қоғоз эмасдир. Инсон табиатида унинг онг остида бекиёс туғма руҳий қувватлар яширинган, бу қувватларни А.Адлер тўлдирувчи компенсатор механизмлар деб атайди, бу тушунча остида инсонга туғма равишда табиатдан инъом этилган эзгуликка етакловчи, инсонни баркамол шахс қилувчи кучли руҳий ирода қуввати тушунилади.

Инсон барча тирик мавжудотлар ичида энг заифи бўлганлиги учун у ҳаёт учун курашда ўзига ўхшаш инсонлар жамоасига таянади. Инсонда на ўткир тиш – тирмоқ на тез югурувчи оёқлар на совуқдан ҳимоя этувчи қалин юнгли тери бўлмаганлиги учун у фақат ўз ақлига ва жамоа куч қувватдига таянади. Шунинг учун Адлер фикрча инсон табиатдан туғма равишда ижтимоий мавжудотдир, ижтимоий манфаат инсони фақат ўзини эмас балки ўзгаларни ҳам манфаатини ўйлашга мажбур қилади.

Инсон ўз олдига мақсад қилиб қўйган нарсалар ҳаётда бўлмаслиги мумкин, лекин, улар фикциялар сифатида инсонга руҳий куч қувват берадилар ва уни фаол ҳаракат қилишга ундайдилар, бу ҳаракатлар натижасида инсон ҳаёлат оламидаги орзу умидлар интилишлар натижасида реаликка айланиши мумкин.

4. АДЛЕР ИЖОДИДА БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАСИ

Баркамол инсонни тарбиялаш масаласини кўтариб чиқар экан А.Адлер кемтиклик қувватининг тарбия жараёнига қанчалар кучли таъсир қилишига алоҳида эътибор беради. Маълумки, инсон фаолияти муайян чегаралар билан чекланган, шундай қобилиятлар борки биз уларни ўзимизда ҳеч қачон барпо этолмаймиз. Масалан, итнинг ҳид билиши, кўзимиз орқали ультрабинафша нурларини кўриш қобилиятини ўзимизда ҳеч қачон ривожлантира олмаймиз. Лекин А.Адлер фикрича инсонда шундай муайян функционал қобилиятлар борки, биз уларни ўзимизда ривожлантира оламиз.

Инсон ўзидан мамнун бўлиши, камчиликлар ўрнини тўлдириши учун, хўрлик, камситилиш, қадрига етмаслик каби салбий ҳиссиётларини юқори даражага эришиш ҳис туйғулари билан алмаштиришга интилади. Адлер баркамол шахсни тарбиялаш масаласида кўпгина келтирилган фикрлари унинг педагогик фаолиятидан хулоса қилиб олинган. Ўз даврининг нафақат машҳур рухшунос олими, ёзувчиси балки педагоги ҳам бўлган А.Адлер баркамол инсонни тарбиясини илк бор ёшлик йилларидан бошлаш зарурлигини ўз асарларида кўп марта таъкидлайди.

Адлер шундай деб ёзади: “Шухратпарастлик ҳиссиёти кучли ривожланган болаларнинг аҳволи аянчли бўлади, чунки уларни қўлга киритилган муваффақиятлар бўйича баҳолайдилар. Уларнинг қийинчиликка



қарши қурашиш қобилияти, иродаси, матонати эътибордан четда қолади. Ҳозирги кунда ўқимишли бўлишдан кўра жамиятда обрў эътиборни қозониш муайян ютуқларга эга бўлиш кўпроқ қадрланади”. Қийинчиликсиз эришилган ютуқлар нечоғлик қисқа муддатли бўлишини биз яхши биламиз. Шунинг учун болада шухратпарастлик, манманлик ҳис туйғусини кучайтиришдан ҳеч қандай наф йўқ. А.Адлер фикрича, болада матонат, қатъиятлик, жасурлик, ўзига ишонч ҳис туйғуларини, оғир вазиятларда руҳий тушкунликка тушмасликни тарбиялаш ниҳоятда муҳимдир. Агар тарбиячи боланинг ҳаракатлари бесамар, кераксиз нарсаларга қаратилганлигини, унда лоқайдлик, дангасалик илдиз отганлигини ўз вақтида пайқаса, тарбия жараёни енгилроқ кечади.

Шундай қилиб, боланинг табиатидаги шухратпарастлик ҳис туйғусида юксакликка интилиш қуввати намоён бўлиши мумкин. Шундай болалар борки, уларнинг юксакликка интилиш ҳис туйғуси шухратпарастлик сифатида кўринган, лекин улардан устун келган бошка болалар мавжудлиги туфайли улардаги мақсадга интилиш ва шухратпарастлик ҳис туйғуси сўнгган. А.Адлер болаларда шухратпарастлик ҳис туйғусини кучайтиришга уринган тарбиячиларнинг тажрибасини таҳлил қилади. А.Адлер ушбу тарбиячиларни услубларининг салбий ва ижобий томонларини кўриб чиқади. Бу борада у шундай деб ёзади: “Кўп ўқитувчилар болаларга нисбатан каттикқўл бўладилар, улардаги шухратпарастликни синдиришга ҳаракат қиладилар, баъзилари эса аксинча ёмон баҳолар қўйиб улардаги шухратпарастлик ҳис туйғусини уйғотишга ҳаракат қиладилар. Айрим ҳолатларда бундай ёндашиш, агар болаларда қатъиятлик ҳис туйғуси қолган бўлса самара беради. Лекин бундай ёндашувни кўпчилик ҳолатларда тавсия

килиб бўлмайди. Ўқишда қаттиқ орқада қолган болаларга нисбатан бундай ёндашув салбий натижа беради, чунки улар ўз имкониятларга ишонмай қолади ва ўзини анқов деб ҳисоблайди.” А.Адлер яхши муомала натижасида болада ақл фаросатни кучайиб боришини ҳам таъкидлайди. Ҳақиқатда ҳам бундай болалар яхши мунособат натижасида ижобий томонга ўзгарадилар ва уларда шуҳратпарастлик, ғурур туйғулари кучайиб боради. Улардаги бу ўзгаришларнинг сабаби олдинги қуйи ҳолатга қайтишдан ҳайиқишдир.

Кейинчалик бундай болалар хаддан ташқари ўқишга берилиб кетадилар, улар эрталабдан кечгача ўқиш билан машғул бўладилар, дам олишга ҳам вақт ажратолмайдилар. Агар индивидуал психологиянинг асосий ғояси тўғри қабул қилинса, яъни шахс яхлит бирликда олинса, унинг барча жиҳатлари бир-бирини тўлдириши, ҳар бир салбий жиҳатлари билан бир қаторда, ижобий жиҳатлари ҳам бирликда олинса юқорида келтирилган барча мисоллар тушунарли бўлади. Актёрнинг ҳар бир ҳаракатини алоҳида олиб бўлмайди, чунки унинг барча ҳаракатлари бир бирини тўлдиради. Содир бўлаётган воқеаларга тўғри баҳо бериш учун барча ҳаракатларнинг ички моҳиятини чуқур тушуниш керак, масалан айрим ўқувчилар мактаб вазифаларини секин, шошмасдан бажарадилар.

Бунинг асл сабаби шундаки, бола мактабга боришни хохламайди, уни уй вазифалари қизиқтирмайди ва у ўз дангасалигини енгишни хохламайди. Натижада у мактабнинг барча талабларига бўйсунмасликка ҳаракат қилади.

А.Адлер фикрича бундай фожиали ҳолатнинг асл сабаби қуйдагича: “Боладаги юксакликка интилиш ҳис туйғуси мактаб талабларига қарши қаратилган. Боланинг хатти-ҳаракатларида салбий белгилар пайдо бўлади, улар кейинчалик унинг феъл-атворида айланадилар. Масалан бундай бола масхарабоз ролини ўйнаши мумкин. У доимо бошқаларни кулдириш учун ҳазил мутойиба қилиб юради. Бундай бола ўз ўртоқларига ҳалақит беради, дарслардан қочиб юради, ёмон болаларга қўшилиб кетиши ҳам мумкин”.

Бундан кўринадики боланинг ҳозирги куни ҳам, унинг келажаги ҳам тарбиячиларнинг қўлидадир. Баркамол инсонни шакллантириш жараёнини Адлер ўзининг педагогик тажрибалари асосида таҳлил қилади ва бир қатор хулосаларга келади. Унинг фикрича ёш авлодда энг кучли ижобий рухий ҳолатлар бу ўзига бўлган ишонч, матонат, эркин фикр юрита олиш, ўз манфаатларини ўзгалар манфаати билан биргаликда олиб бориш, бирон бир мақсад қўйиб, унга интилиш кабилардир. Буларга эришиш учун ёш авлодни оила, мактаб ва олий ўқув юртларида тўғри йўналишда назорат қилиш ва тўғри педагогик услублардан фойдаланиш зарур. А.Адлер ўз педагогик амалиётида ишлатган тажрибавий услублар бизни фикримизча бошқа машҳур педагоглар В.А.Сухомлинский, КД.Ушинскийларда ҳам учрайди. Масалан ўқувчиларга нисбатан Сухомлинский ва Адлер фикрича ўқитувчи баҳо қўйишдан жазолаш услуби сифатида фойдаланмаслиги керак. Сухомлинский жазолашнинг асл моҳиятини бошқа ўқитувчилардан кўра чуқурроқ тушунган. “Ўқитувчилар орасида, - деди Сухомлинский, жазолаш ва мақташ, мукофотлаш ҳақида ҳар хил фикрлар кўп бўлади. Шу аснода энг кучли мукофот ва энг кучли жазо-бу баҳодир”.

Биринчидан, баҳолаш куридан фойдаланиш учун ўқитувчи болаларни яхши кўриши керак. Ўқитувчи бола учун унинг онасидек севимли ва қадрдон бўлиши керак. Ўқувчининг ўз ўқитувчисига бўлган ишончи, улар ўртасидаги ўзаро ишонч, инсонийлик, самимийлик, меҳрибонлик – айнан мана шу фазилатларни ўқувчилар ўз устозида кўришни хоҳлайдилар. Устознинг энг муҳим фазилатларидан бири – инсонийлик бўлиб, унда меҳрибонлик билан ота-оналарга хос бўлган қаттиққўллик бирлашади.

Иккинчидан, Сухомлинский фикрича баҳолашни жазолаш кури сифатида фақат юқори синф ўқувчиларига нисбатан ишлатиш мумкин; бошланғич синф ўқувчиларига нисбатан уни ишлатиб бўлмайди чунки ёмон баҳо бу ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишини синдириши мумкин. Бошланғич синф боласи ёмон баҳо олса, ўзига бўлган ишончини йўқотиб қўйиши мумкин, бунга эса ўқитувчи йўл қўймаслиги керак. Мактабга ҳар хил болалар келади: уларнинг орасида чакқон ва сусткашлари, эътиборли ва эътиборсизлари, меҳнаткаш ва дангасалари, ифлос ва озодалари бўлади. Уларни фақат бир нарса бирлаштиради. Уларнинг барчаси бошланғич синфга яхши ўқиш нияти билан келадилар. Бундай гўзал инсоний орзу-ҳавас болаларнинг мактаб ҳаётини ёритади.

В.А Сухомлинскийнинг баҳоси доим ижобий бўлиб ишонч руҳига тўла эди, бу аслида дангасалигини жазолаш эмас, балки меҳнат учун тақдирлаш эди. У “Болаларнинг билимсизлигини ” қораламас эди. Бир ой, ярим йил, бир йилгача бола “нималарнидир тушунмаслиги мумкин, лекин вақт ўтганидан кейин бола тушуна бошлайди ”. Боланинг онги қудратли бир дарё бўлиб у сокин оқади , ҳар бир болада онгнинг тезлиги ҳар-хил даражада бўлади, кимдир секин фикр юритади, кимдир эса тез фикр юритади.

Сухомлинский ота-оналарга болалардан фақат аъло баҳоларни талаб қилмасликини сабот билан тавсия этади , чунки аълочилар ўзларини бахтли ҳис қилиб, учга ўқийдиган болалар эса ўзларини эзилган ҳис қилмаслиги керак. В.А Сухомлинский ўқитувчиларга боланинг ёмон интизоми ёки ёмон баҳолари сабабли эмас, балки бола бирон-бир яхши иш қилганида унинг ота онасини мактабга чақиришни тавсия этади. Мактабда олиб бориладиган ўқиш ва тарбия жараёни шахснинг келажакдаги ҳаёт тарзини аниқ белгилайди. Мактаб оила ва жамият ўртасидаги муассаса бўлиб, у болани тарбиялаш соҳасидаги оилавий хатоларини тузатиш имкониятларига эгадир. У болани ижтимоий ҳаётга мослашиши учун жавобгар, ҳамда жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларда ўз ўрнини топиши учун масъулиятлидир.

Шундай қилиб, А. Адлер, В.А Сухомлинский каби машҳур педагог, психолог, ёзувчи, файласуф олимлар мактабдаги билим олиш жараёнини баркамол авлодни тарбиялашда энг муҳим босқич деб ҳисоблашган. Агар мактаб оила тарбиясида йўл қўйилган хатоларни тузата олмаса, бундай шахсни баркамол инсон қилиб тарбиялаш ниҳоятда мураккабдир. Келгусида А.Адлер мактаб кўпинча бундай вазифани бажара олмайди деган хулосага келишини кўришимиз мумкин. Руҳшунос олим бунинг сабабларини таҳлил қилишга кўп уринган.

Хусусан ёш авлодни тарбиялашда мактабнинг ўрнини баҳолар экан, Адлер шундай деб ёзади: “Мактабни тарихий нуқтаи назардан кузатар эканмиз, у жамиятнинг идеалларига ва талабларига жавоб берувчи шахсларни тарбиялашини кўришимиз мумкин”¹. Бу вазифани аристократик, диний, буржуа, демократик мактаблар ҳам ўз олдига қўйган. Агар ҳозирги давр талаби ўз ўзини назорат қилиш, матонатли ва иродали бўлиш экан замонавий мактаб ушбу талабларга жавоб берадиган шахсни тарбиялаши керак.

Бошқа сўз билан айтганда мактаб ўзини инсон тарбиясидаги охириги босқич деб ҳисобламасдан унинг даргоҳидан чиққан ёшлар келажақда жамиятида ўз ўрнини топиши учун кўлидан келганча хизмат қилиши керак. Шунинг учун мактаб ибратли ўқувчи тимсолига тўла жавоб беролмайдиган ёшларни рад этмаслиги керак. Бундай ёшлар келажақда юксакликка интилиш қобилиятидан маҳрум дегани эмас. Улар ўзларининг қобилиятларини бошқа соҳаларда юқори даражада намоён қилишлари мумкин. Масалан, мактабда ўрта баҳоларга ўқиган ёшлар ўзларини қобилиятини бизнес соҳасида, санъат, тижорат, жисмоний тарбия соҳаларида намоён қилишлари мумкин. Улар онгсиз равишда ўзларини айнан шу соҳаларга тайёрлаб келган бўлишлари мумкин. Масалан, улар математика соҳасида яхши ютуқларга эриша олмасда, спорт соҳасида юксак даражаларни эгаллашлари мумкин. Тажрибали устоз ўз шогирдининг ижобий қобилиятларини кўриб, уларни юзага чиқишига ёрдам бериши керак ва келажақда бу қобилиятлар ушбу шахснинг жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам беради.

Агар ўқитувчи боланинг ҳеч бўлмаса бир ютуғини кўра билиб, уни ривожлантира олса ушбу ютуқ кетидан болада ишонч ҳосил бўлади, бу эса унинг бошқа соҳаларда ҳам бирон бир ютуқларга эришишига замин тайёрлайди. Бу болани куч ғайратини бир соҳадан иккинчи соҳага ўтказишни эслатади. Аслида, ақли заиф болалардан ташқари барча бошқа болалар мактаб ёшида қобилиятларга эга бўлганлиги учун тажрибали ўқитувчи уларнинг бу қобилиятларини пайқаб олиб, уларни юзага чиқаришга ёрдам бериши керак. Ношуд болалар бўлмайди, уларга беэътибор ва бефарқ ўқитувчилар бўлади. Ўқитувчиларнинг бундай бефарқлигининг сабаби А.Адлер фикрича уларнинг онгида ўрнашиб олган стереотип қолиплардир. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчини ушбу қолипга солади. Бола бундай қолипга мос келмаса, устоз уни ношуд ва қобилиятсиз деб ҳисоблайди. Аслида эса Адлер фикрича ҳар бир инсонда хилма хил қобилиятлар ва имкониятлар мавжуддир. Лекин улар мактаб доирасидаги талаблар билан чегараланмайди ва кўпинча ушбу талабларнинг ўзи ёш авлоднинг қобилиятини юзага чиқаришга ёрдам бера олмайди. Устоз онгидаги стереотип қолип унинг ўқувчи билан тўғри муносабат топишига ҳалақит беради. Ўқитувчининг мактаб дастурини ўзлаштириш бўйича орқада қолувчи ўқувчилар билан бўлган стереотип муносабатлари ўқитувчининг лоқайдлиги бундай болаларни

¹ Сухомлинский В. А. Не только разумом, но и сердцем., стр.18 М., 1986

ўзига бўлган ишонч ҳис туйғусини заифлаштиради ва улар ўз қобилиятларини жамиятга фойда келтирувчи йўналишларда ишлатишга ҳаракат қилмайдилар.

Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчи ўзининг ҳар бир ўқувчисига индивидуал ёндашиши керак. Бунинг учун эса ўқитувчи бутун вужуди билан болаларни ҳис қилиши ва уларга меҳрибон бўлиши лозим. Шундай қилиб, Адлер фикрича мактабдаги ўқитувчиларнинг ёш авлодга бўлган муносабатдаги энг тарқалган хатоси бу уларнинг стереотип қолиплар асосида фикр юритишларидир. Агар ўқувчи устознинг онгидаги қолипга мос келмаса бундай ўқувчи келажакда ношуд ва ҳеч қандай ишга яроқсиз инсон бўлади деган фикр кўпгина ўқитувчиларда кенг тарқалган.

Юксакликка интилиш қобилиятининг фойдали ва фойдасиз кўринишлари орасидаги фарқ нимадан иборат? Бу масала буйича Адлер шундай ёзади: "Бундай фарқ жамиятга бўлган қизиқиш ва муносабатдан иборат. Инсоннинг бирор бир ютуғи жамиятга фойда келтириши зарур. Агар у жамият манфаатларига жавоб бермаса бу ютуқ ҳам инсоннинг қобилияти ҳам фойдасиз бўлиб қолади. Агар биз буюк шахсларнинг қахрамонликларини эсласак, уларнинг қахрамонликлари заминида халқ ва жамият учун фидойилик ётади". Демак, Адлернинг фикрича боланинг тўғри тарбияси заминида жамиятга фойда келтириш ҳис туйғусини тарбиялаш ётади.

А.Адлернинг фикрига, ўхшаш фикрларни буюк рус педагоги В.А.Сухомлинскийда ҳам учратишимиз мумкин. Адлерга ўхшаб Сухомлинский ҳам боланинг тарбиясида жамоанинг ўрнини юқори баҳолайди. Чунки, айнан коллектив ҳар бир шахсда жавобгарлик, масъулият каби ҳис туйғуларни тарбиялайди. Бу эса келажакда шахснинг ижтимоий манфаат ҳис туйғусини тўғри йўналишда тарбиялашга ёрдам беради. Сухомлинский фикрича, коллектив тарбиявий кучга эга бўлиши учун унинг барча аъзолари бир бирига ҳурматда бўлиши, меҳнатга интилишлари юқори масъулиятли бўлишлари керак. Уларнинг барчасини ижодий меҳнат жараёни бирлаштириши керак. Шунинг учун эса тутиш керакки ҳақиқий коллектив шаклланиши учун бу коллективнинг бирлаштирувчи тажрибали ёшларга ва ўз ҳамкасабаларига меҳрибон бўлган устоз бўлиши керак. Меҳр ва ҳурмат муносабатлари билан жипслашган жамоада ҳар бир ўқувчи фақат яхши баҳо олиш учун эмас, балки ўз кўнглидаги ҳурмат ва эҳтиромни эзгуликни юзага чиқариш учун ҳаракат қилади.

Жазосиз бўлган тарбия бу аслида "Мактаб доирасидаги масала эмас, балки бундай тарбия бутун жамиятга тегишлидир" дейди Сухомлинский. Бу энг муҳим масалалардан биридир. Бу жамиятни қайта ўзгартириши ундаги муносабатлари меҳр ва оқибат асосида шакллантириш энг мураккаб ва қийин масалалардан биридир. Онгли интизом масаласини таҳлил қилар эканмиз, яна бир муҳим жиҳатга эътибор беришимиз керак. Уларнинг иккаласи ҳам инсоннинг яхлит ягона борлигининг томонларидир. Шахснинг тарбияси жамоадан ташқари бўлаолмаганидек, жамоа ҳам шахсдан алоҳида мавжуд бўлолмайди.

Сухомлинский шундай деб ёзади: “Ҳамкасабаларимдан бирининг тарбия масаласидаги қарашлари мени ниҳоятда ҳайрон қолдирди. Унинг Сухомлинский учун шахс ва коллектив ўртасида бўлиниш бўлмаган. фикрича жазосиз тарбия бўлиши мумкин эмасмиш. Фарзандларимизни жазосиз меҳр ва яхшилик орқали тарбия қилиш мумкинлигини мен ўйлаб топганим йўқ. Агар жазосиз тарбияни кўпчилик мактабларда амалга оширишни иложи йўқ экан, бунинг асл сабаби бундай тарбиянинг нотўғри Сухомлинский учун шахс ва коллектив ўртасида бўлиниш бўлмаган.

Фарзандларимизни жазосиз меҳр ва яхшилик орқали тарбия қилиш мумкинлигини мен ўйлаб топганим йўқ. Агар жазосиз тарбияни кўпчилик мактабларда амалга оширишни иложи йўқ экан, бунинг асл сабаби бундай тарбиянинг нотўғри эканлигида эмас, балки жамиятимизнинг кўпчилик ўқитувчилари бундай фикр юритишга ҳали тайёр эмаслигидадир. Агар жамиятимизда жиноятчиларнинг бўлмаслигини хоҳласангиз, тарбияни жазосиз амалга оширинг”¹.

Ижтимоий манфаат ҳис туйғуси шаклланмаган болалар келажақда кулоқсиз, тарбияси оғир кечадиган болалар тоифасига айланадилар. Бу болаларда юксакликка интилиш ҳис туйғуси амалга ошмай қолган. Лекин, жамиятга қандай қадриятлар муҳимлиги масаласида ҳилма хил фикрлар мавжуддир. Фақат бир нарсасига шак шубҳасиздир. “Дарахтга унинг меvasига қараб баҳо бериш мумкиндир”. Ҳар бир ҳаракатнинг натижаси у жамият учун фойдали ёки зарарли бўлганлигини кўрсатади. Бу эса биз вақт ва натижани эътиборга олишимиз кераклигини кўрсатади. Ҳар бир ҳаракат ўз вақтида содир бўлиши керак. Агар у бемаврид ва ноўрин қилинган бўлса унинг жамиятга ҳеч қандай фойдаси ҳам нафи ҳам тегмайди. Ҳаракатларга қўйиладиган талаблардан бири айнан шундайдир. Яхшиямки биз ҳар кунги ҳаётимизда бундай мушкул вазиятлар билан кам тўқнашамиз. Агар бола келажаққа бўлган ишончини йўқотиб қўйса, у кундалик ҳаётига нисбатан бефарқ бўлиб қолади ва ўзининг барча ғайратини бефойда ишларга сарфлайди. Тарбиячининг энг муқаддас вазифаси болада матонат ўзига бўлган ишонч ҳис туйғусини йўқотмаслигига ёрдам бериш агар бола мактабда бу ҳис туйғуни йўқотган бўлса, унга матонатли бўлишда ёрдам бериш. Ўқитувчи ва мактабнинг энг муҳим вазифаси айнан шундадир.

Ўқитувчининг юксак маҳорати ҳам шундан иборат чунки хурсандчилик ва ўзига бўлган ишончини йўқотган болани тўғри тарбиялаб бўлмайди. Ўзига ишонган ўқувчилар ҳам охириги имтиҳонни топширганидан кейин бир қанча муддат руҳий тушкунлик ҳолатида бўлишлари мумкин. Чунки эндиликда улар касб танлаб ўз билимларини амалда кўрсатишлари керак. Айнан шундай ўзига кучли ишонган ўқувчилар ҳаёт имтиҳонларида заиф бўлиб қолишса келажақда учрайдиган ҳаётий қийинчиликларга дош бера олмайдилар. Бундай ҳолатга тушиб қолган ёшларда невроз ҳолати юзага келиши мумкин. Агар бундай ўзига ишонч ҳис туйғусини йўқотган болаларни ҳолатини назорат қилмасак улар ҳеч бир ишни охирига

¹ Сухомлинский В. А. Не только разумом, но и сердцем., стр.12 М., 1986.

етказишмайди. Бундай болалар улғайгани сари ўзига бўлган ишончни йўқотишади ва натижада улар бирон бир жойда узоқ ишлай олмайдилар. Чунки, ишда пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилишга уларда на куч на матонат мавжуд бўлмайди.

А.Адлер фикрича, бундай ўзига хаддан ташқари ишонган болалар мактаб даврида педагогнинг алоҳида назоратида бўлишлари керак. У эса ўз навбатида бундай болаларни ҳаракатларини тўғри йўналишга қаратиши керак. Фақат коллектив ва ўқитувчиларнинг ёрдамида бундай болалар ўзига бўлган ишончни тиклай оладилар ва уларнинг барча ҳаракатлари самара беради. Шунини айтиш лозимки, психолог бўлган А.Адлер ниҳоятда муҳим фалсафий бир жиҳатни очиб беради: онг остида ўзига ишонмаган ва шубҳаланган шахс ҳаракатлари ҳеч қачон муваффақиятли бўлмайди. Агар ўқитувчи бундай болаларда ўзига бўлган ишончни тарбиялай олса, келажакда уларнинг ҳаракатлари муҳим ютуқларга олиб келади ва уларнинг фаолиятлари самарали бўлади¹.

Бундан ташқари, боланинг тарбияси қандай бўлганлигини яъни каттиққўл ёки юмшоқ бўлганлигини билиш керак. Индивидуал психология билан шуғулланувчи мутахассислар боланинг тарбияси фақат юмшоқ кўнгил ёки фақат каттиққўл бўлмаслиги керак деб ҳисоблайдилар. Адлернинг фикрича ёшларнинг тарбиясида уларни руҳий жиҳатдан рағбатлантириш ва уларга маънавий ёрдам муҳим аҳамиятга эга омиллардир. Ниҳоятда талабчан ота оналар ёшларнинг тарбиясига зарар етказиши мумкин. Чунки улар фарзандларини каттиқ тергаб уларни эркин ҳаракат қилишдан маҳрум қиладилар ва шу билан уларда ўзига ишонмаслик ҳис туйғусини уйғотадилар. Болаларни хаддан ташқари эркалаш, уларни барча талабларини қондириш уларни оиланинг бирон бир аъзосига боғланишига ва унга хаддан ташқари суянишига олиб келади. Ота оналар ҳодисаларни бўрттириб бериш ижобий ёки салбий руҳиятда тушунтиришдан ўзларини тийишлари керак. Ота оналар ўз фарзандларига шундай бир тарбия беришлари керакки, фарзанд мустақил бўлиб, ўзига ғамхўрлик қила олиши керак. Қийинчиликларни енгишга ўрганмаган ёшлар улардан ўзларини олиб қочадилар, натижада уларнинг ҳаракатлари сусткаш бўлиб қолади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган фикрлардан мактаб даврида яхши тайёргарлик нимадан иборатлигини кўришимиз мумкин. Адлер онани фарзанднинг тарбиясига таъсири уни мактабдаги ўқишга тайёрланишидаги ўрни ва аҳамиятини алоҳида кўрсатиб беради. Айнан она болани ўзига бўлган қизиқишини уйғотади ва шу қизиқишни тўғри йўналишга солиш учун онанинг масъулияти ниҳоятда каттадир. Агар она бу вазифани бажара олмаса, боланинг мактабдаги ҳуқуқ атвори бундай камчиликларни нимага олиб келишини кўрсатади. Онанинг таъсиридан ташқари, фарзанд тарбиясига отанинг ҳамда оиланинг бошқа аъзоларининг таъсири ҳам аҳамиятлидир.

¹ Адлер А. «Воспитание детей. Взаимодействие полов». гл.5. стр.31. Ростов н/Д, Издательство «Фенакс». 1998

А.Адлернинг фикрича боланинг ақлий қобилиятлари ҳақида унинг мактабдаги баҳолари бўйича хулоса қилиб бўлмайди. Чунки ушбу баҳолар кўпроқ боланинг мактабдаги руҳий ҳолатлари ва кечинмалари белгисидир. А.Адлер хилма хил ақлий тестларга танқидий муносабат билдиради. Унинг фикрича бу тестлар ўқитувчининг ҳаётий тажрибаси, болаларга бўлган меҳрибонлигини боса олмайди.

А.Адлер шундай деб ёзади: “Намунавий мактаб синфи яхлит бир жамоа бўлиши керак. Бу жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзини ундан ажратмаслиги ва унинг бир бўлаги сифатида ўзини ҳис қилмоғи керак”. Ўқитувчи ўқувчилар орасидаги мусобақа беллашув ва уларни бир бирига бўлган муносабатларини назорат қилиб туриши керак. Кўпчилик ўқувчилар аъло баҳога ўқийдиганларни ёқтирмайди ва улар билан яхши муносабат ўрнатиш ўрнига салбий муносабатда бўладилар. Шунинг учун Адлер фикрича тажрибали ўқитувчи болаларнинг ўртасидаги бундай рақобатни йўқотиш учун дўстона муносабатларни ривожлантиришга ёрдам бериши керак. Шу билан ўқитувчи синфдаги салбий руҳий кайфиятни ижобий руҳий томонга ўзгартира олади. Адлер фикрича, синф ягона яхлит жамоа бўлиб унинг барча аъзолари дўстона ижобий муносабатларда бўлишлари керак. Синфдошлар бир бирига ҳасад ва ҳавас қилиш ўрнига бир бирини ҳурмат қилиб, ўзаро ёрдам беришлари керак.

Баҳолар масаласига келганда эса ўқитувчиларни ва ўқувчиларнинг ҳам фикрлари инобатга олиниши керак. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар бўйича Адлер қуйидаги фикрларни ёзади: “қизиқарлиси шундаки ёшлар ушбу даврда қизиқарли мулоҳазалар чиқариш қобилиятига эга”. Улар синфдошларидан қай бири ёзиш, чизиш, жисмоний тарбия ва бошқа фанлардан энг кучли эканлигини яхши билишади. Улар бир бирига етарли даражада тўғри баҳо беришлари мумкин. Айрим ҳолатларда ёшлар бошқаларга нисбатан ноҳақ бўладилар, лекин улар ўз хатоларини тушуниб етадилар ва тузатишга ҳаракат қиладилар. Кўп ҳолатларда ёшлар ўз қобилиятларига тўғри баҳо беролмайдилар ва камчиликларни тузатишга ҳаракат қилмайдилар. Бу эса нотўғри хулоса, агар улар ҳаракат қилишса барча ишни уддалашлари мумкин.

Уларнинг бу хатоларига тажрибали устоз эътиборни қаратиб, бу ҳатони тўғрилаш кераклигини ўз шогирдларига ўқитиши керак. Ўзига ишонч ҳис туйғусини йўқотган одам ўз хатоларини тўғрилай олмайди ва жамиятдаги юқориқ даражаларга эриша олмайдилар.

Адлер болаларнинг ақлий ривожланиши эртами кечми барибир содир бўлишига эътиборни қаратади. Ақлий қобилиятларни юзага чиқиши ягона кадриятга айланиб қолмаслиги керак. Чунки Адлернинг фикрича инсоний кадриятлар ақлий кадриятлардан устун туради. Устоз ўз шогирдларига бир кунмас бир кун ўз қўйган мақсадларига эриша олишларини тушунтириши ва уларнинг руҳиятини кўтариши керак. Мактабда ёмон ўқиган болаларнинг аҳволи келажакда қандай бўлиши мумкин? Адлер шундай хулосага келади: бундай ўқувчилар ўз кучларига ишонмайди, қўйган мақсадларига

интилмайдилар. Натижада бундай болалар яхши ўқишга эришишларига ишонмай қўядилар.

Адлер шундай хулосага келади: мактабда ўрта ўқийдиган болаларга баҳо қўйиш жараёнида ўқитувчилар уларнинг оилавий ҳолатларини инобатга олишлари керак. Айрим ҳолатларда Адлернинг фикрича устоз ёмон баҳо қўйиш ўрнига шогирдининг оилавий аҳволини текшириб, унинг ота оналари билан учрашиши ва оиладаги руҳий муҳитни аниқлаши керак. Энг асосийси устоз ўз шогирдига эътиборли бўлиши унинг ўзига бўлган ишончини туғдириши ҳаётини ижобий йўналишга ўзгартира олишига ишонтира олиши керак. Эътиборсиз қолдирилган ўқувчилар барча имкониятларини ўқиш ўрнига кўчадаги таниш билишлари ва ўзаро муносабатларни аниқлашга қаратишади. Натижада бундай болалар кўча безориларига айланади. Буларнинг барчасидан қутулиш йўли Адлер фикрича ягона бир нарсадан иборат бу эса ҳар бир инсон ўзгариши яхши томонга ўзгариши мумкинлигига бўлган ишончдир. Болага доим ёрдам бериш имкониятлари мавжуд эканлигини биз унутмаслигимиз керак. Умидсиз вазиятларда ҳам барибир умид учқунлари мавжуд. Биз уларни кўра билишимиз ва уларни кучайтиришимиз керак¹.

Худди А.Адлерга ўхшаб машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский ҳам баркамол авлодни тарбиялашда ота оналарнинг таъсирини алоҳида таъкидлаб ўтган. У ота оналар ва мактаб ўртасида яқин муносабатлар шаклланиши учун ота оналар мактаб ҳақидаги барча адабиётлар билан танишишлари керак деб ҳисоблаган. Ота оналарнинг масъулияти ниҳоятда юқори бўлганлиги учун улар педагогик адабиётлардан яхши хабардор бўлишлари керак. Ота оналар ўз фарзандини тарбиячи ёки ўқитувчининг назоратига топширар эканлар, бу уларни фарзанд тарбияси учун бўлган маъсулиятдан озод қилмайди. Лекин бунинг учун улар тарбиячи, ўқитувчилардан мактаб маъмуриятидан нимани талаб қилишлари ҳақида аниқ ва равшан тасаввурга эга бўлишлари керак. Фарзандларини олган баҳолари бир синфдан иккинчи синфга ўтиш ва имтиҳондаги баҳоларни назорат қилишнинг ўзигина етарли эмас. Кўпчилик замонавий ота оналарни фарзандлари ҳақида фақат юзаки маълумотларгина қизиқтиради. Лекин бу ота оналар ўз фарзандларининг тарбиясига катта ҳисса қўшолмайди деган гап эмас. К.Д. Ушинскийнинг ёзишича ота оналар фарзанд тарбиясига тегишли барча маълумотлар болаларининг қобилиятлари ҳулқ атвори, атроф муҳити, қизиқишлари ҳақида уларни ўқитадиган ўқитувчиларнинг феъл атвори ҳақида ҳам барча маълумотларга эга бўлишлари керак, шунинг учун Ушинский педагогика фанининг барча сир асрорларини ота оналарга очиб бериш керак деб ҳисоблаган.

К.Д.Ушинскийнинг фикрича баркамол авлоднинг тарбиясида биринчи даражали маъсул шахслар бу ота оналардир. Шунинг учун келажакда фарзандларининг қандай вояга етишида ота оналарнинг маъсулиятининг

¹ Адлер А. «Воспитание детей. Взаимодействие полов» гл.10, стр.86. Ростов н/Д, ©Издательство «Феникс», 1998

аҳамияти ниҳоятда юксакдир. К.Д.Ушинскийнинг таъкидлашича, мактаб маъмурияти ва ўқитувчилари жамият олдида ҳам масъул шахслардир, педагогик адабиёт уларга жамият улардан нима кутишини етказиб беради. Лекин, албатта ижтимоий фикр доим ҳам ҳақиқат мезони бўлолмайди. Шунинг учун педагогик адабиёт жамоат фикрини тўғрилаб хилма хил адашишлардан тозалаши керак. Жамоат фикрининг тарбия ҳақидаги аниқ ва равшан тасаввури халқ педагогикасини ривожланиши учун яхши омил бўлиши мумкин. Шунинг учун педагогиканинг асосий вазифаси жамоатчилик фикрига ўз талабларини қўйиш ўрнига бу фикрни тўғри йўналишда шакллантириш. Дарвоқе, фақат жамоатчилик фикрига асосланган тарбия тамойиллари катта кучга эга бўлади.

Жамоат фикри шаклланиб бўлганидан кейин унга монанд бўлган ўқиш муассасалари ҳам шаклланган ҳисобланади. Буни мисол қилиб К.Д.Ушинский Итон, Оксфорд каби ўқув юртларини мисол қилиб келтиради. Жамоатчилик фикрига қўшилганида ҳар бир шахс ўз виждонига бўйсуниб иш юритади. Ёлғиз ва пинҳона ҳолатда эса ҳар бир шахс ички дунёсининг энг тубида эширинган салбий фикр ва ҳис туйғуларига эрк бериши мумкин. Шунинг учун жамоат фикри тарбиявий масалаларда муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, ушбу параграфда баркамол инсонни тарбиялашга оид бўлган А.Адлер, К.Д.Ушинский, В.А.Сухомлинский каби машҳур, педагог, файласуф, руҳшунос олимлар фикрини таҳлил қилиб чиқдик. Чунки уларнинг фикрида ушбу масала бўйича кўпгина муҳим ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Ушбу россиялик мутафаккирларнинг баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида кўпгина фикрлари буюк шарқ файлсафи ва мутафаккири Абу Али Ибн Сино фикрлари билан ҳам кўп жиҳатдан ўхшашдир. Шунинг учун, биз баркамол авлодни тарбиялаш соҳасидаги Ибн Синонинг айрим муҳим фикр ва мулоҳазаларини келтирмоқчимиз.

Ибн Синонинг психологик ва педагогик қарашлари, таълим тарбия ҳақидаги фикрлари ўзининг табиий илмий хусусияти билан кўзга ташланади. Ибн Сино ўз асарида инсоннинг тарбияси, бу тарбиянинг турли шакллари, вазифалари ва мақсадларини ёритишга ҳам эътибор беради. инсон; ёш жиҳатдан ўсиб бориши билан таълим тарбия вазифаси ҳам ўзгариб боришини таъкидлайди. Ибн Сино “Қонун фит-Тибб” асарида ёш болаларни туғилганидан бошлаб тарбиялаш масаласига алоҳида бўлим ажратади. Бола туғилганидан бошлаб оёққа тургунча маълум тартибда тарбияланиб бориши лозим. Бу тартиб ўз вақтида овқатлантириш, чўмилтириш, ухлатиш, йўргаклаш каби тартиблардан иборат. Буларни ҳам маълум қоидалар асосида амалга ошириш даркор. Бола табиатини мустаҳкамлиги муҳим воситалар аста-секин тебратиш, мусиқа эшиттириш, ашула айтишдан иборат бўлиб, улар тартиб билан амалга оширилса, бола яхши ухлайди. Тебратиш унинг танасига, мусиқа унинг руҳиятига ором бахш этади. Ибн Сино ёш бола тарбиясини турли шароитда маълум изчиллик ва тартиб билан олиб бориш ҳақида оналарга жуда яхши маслаҳатлар беради.

Болаларнинг ўспиринликка ўтиш даври тарбияси ўзига хос хусусиятига эга бўлиб, бу даврда уларда хулқ-атвор шаклланади. Бола хулқ-атворининг

бир хил мувозанатда бўлиши учун уни кескин ғазабланишдан, қаттиқ кўркувдан ва уйқусизликдан сақлаш зарур. Бу тадбир уни ёқимли хулқ-атворли қилиб тарбиялаш имконини беради.

“Бола хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бундан икки манфаат бор. Бири – боланинг руҳи учун бўлиб, у ёшликдан бошлаб яхши хулқли бўлиб ўсади ва кейинчалик бу унга ажралмас малака бўлиб қолади.

Иккинчиси – унинг бадани учундир, чунки ёмон хулқ турли мижоз бузилишларидан бўлади. Шунингдек, агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради. Масалан, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли қуритади”.

Ибн Сино мактабда болаларни қандай ўқитиш ва нималарга ўқитиш ҳақида ва ўқитиш усуллари устида ҳам муҳим фикрларни олға суради. У болаларни битта-битта, алоҳида ўқитишдан кўра, жамоа тартибида ўқитишни афзал деб билади ва унинг устунлиги ҳақида гапириб шундай ёзади: “Ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанқоқлик сезадилар. Ўз билимлари билан ғурурланадилар, бир-бирларининг билимларига ҳавас қиладилар. Ғурур ва ўзига эътибор тарбияланувчиларни бир-бирларидан орқада қолмасликка ундайди.

Ўқувчилар бирга бўлганда, доим бир-бирлари билан гаплашадилар ва бу билан ўз хотиралари ва нутқларини ривожлантирадилар”. Ибн Сино болаларга нималарни ўқитиш, уларнинг билимини ошириш, яхши тарбияли қилиб етиштириш учун нималардан фойдаланиш, қайси фанларни ўрганиш лозимлигини таъкидлагандан кейин болаларга Куръони ва грамматик қоидаларни ўргатиб, диннинг мақсадларини тушунтириб бўлгандан сўнг, уларни маълум ҳунарга жалб этиш, ҳунар асосларини эгаллашларига эътибор бериш керак, токи улар бу ҳунарни эгаллаб, ўз ҳаётларини таъминлай олсинлар, дейди. Ўқитувчи болани ҳунарга ўргатишга унинг қобилияти, истеъдоди, имкониятларини эътиборга олиши керак, барчани бирданига бир ҳунарга ўргатиб бўлмайди. Ибн Сино болада ахлоқий ҳислатларни меҳнат, жисмоний ва ақлий тарбия билан узвий birlikда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб билади.

Фалсафа тарихида баркамол инсон ҳақидаги фалсафий тасаввурлар асрлар давомида ҳар хил файласуфлар томонидан таҳлил қилинган эди. Машҳур руҳшунос олим, ёзувчи, педагог А.Адлернинг бу борадаги фикрлари, фалсафа тарихининг экзистенциализм оқимида катта таъсир ўтказди. Масалан, француз экзистенциализми вакили Сартр А.Адлерга ўхшаш жамиятга фойда келтирувчи фаолиятни эркинлик деб атайди. У табиатдаги эркинликдан фарқ қилади. Табиатдаги эркинлик заруриятга боғлиқ бўлиб, уни англаш натижасида шаклланади. Инсоннинг ички оламидаги унинг ички моҳиятидан келиб чиқади ва фақат айрим вазиятларда намоён бўлади.

Бу вазифаларни экзистенциалистлар чегарадош вазият деб атаганлар. Бу ўлим ва ҳаёт ўртасидаги чегарадир. Бундай вазиятларда биз ҳаётимизда ниҳоятда кам тушиб қолишимиз мумкин. Масалан, Сартр фикрича урушда

катнашиш масаласи инсон олдига шундай чегарадош вазиятни қўяди. Бу вазиятда инсон танлашга мажбур бўлади: урушда катнашиш ёки қочоқлик қилиш. Буни танлашга ҳам инсон, Сартр фикрича, эркинлик билан ёндошиши керак. Демак, Сартр фикрича, эркинлик шундай чегарадош вазиятларда инсонга ўзининг актив фаолиятини ва асл ички қиёфасини очишга ёрдам беради. Демак, Сартр фикрича, эркинлик маъсулиятни ҳис қилиб, шу асосда танлаш жараёни билан боғланган. Бу танлаш эркинлигидир.

Бу фикрлар орқали бошқа бир машҳур француз экзистенциалисти А. Камю “Ҳаёт яшашга арзийдими ёки йўқми” деган саволни қўяди. Бу саволга Камю ижобий жавоб беради. Инсонга яшаш учун кучни ички оламидаги мажбурияти беради. Демак, ҳаёт нақадар аянчли ва зерикарли бўлмасин, инсон ўзида ҳис қилган мажбурият туфайли яшаш шарт. Бу мажбурият ташқи эмас, балки ичкидир. Демак, бу маъносиз вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона йўли инсон ва бутун борлиқни бирлаштирувчи, уни ягона коинот деб тан олувчи руҳий кучга мурожаат қилишдир.

Экзистенциализм фалсафаси XX аср бошлари ва ўртасидаги фойдали ҳодисаларни тўғри акс эттирди ва бу фойдадан чиқиб кетиш йўллари ахтаради. Экзистенциализм файласуфлари Ясперс, Хайдеггер, Сартр, Камю илоҳий кучга, инсондаги руҳий кучга охириги таянч нуқтаси сифатида мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Уларнинг асарларида учрайдиган инсонпарварлик ғоялари неопризм оқимининг йирик вакиллари бўлган К.Юнг ва А.Адлер таълимотлари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Айниқса, А.Адлернинг ишонч,этиқод, эркинлик, руҳий қувват инсонни ички оламидаги онгсизлик руҳий кучлари ҳақидаги қарашлари экзистенциализм вакиллари қарашларида ўз давомини топди. Бу буни юқорида кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Ушбу параграфда баркамол инсонни тарбиялашдай муҳим масала бўйича А.Адлер, К.Д.Ушинский, В.А.Сухомлинский, Ибн Сино, Сартр ва Камю каби машҳур педагог, файласуф, руҳшунос олимларнинг фикри таҳлил қилинди. Ушбу қарашларнинг таҳлили қуйидаги нарсаларни кўрсатди:

1. Баркамол инсонни тарбиялаш мураккаб жараён бўлиб, бу жараёнда ота онадан ташқари мактаб, олий ўқув муассасалари ҳамда кенг жамоатчилик фикри ҳам иштирок этади.

2. Оилада ҳам мактабда ҳам шахснинг тарбияси унга бўлган ниҳоятда этиборли муносабатга, унинг феъл атиорида ўзига бўлган ҳурмат ва ишончни, маъсулиятни, қўрқмасликни, жамоавийлик ҳис туйғусини, фикр эркинлигини шакллантиришга асосланган бўлиши керак.

3. А.Адлер фикрича, баркамол инсоннинг тарбиясида эзгу фазилатларни шакллантириш ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Баркамол шахсни тарбиялаш учун унинг атрофидагилар ва унинг ўзида ҳам меҳр, этибор, маъсулият, меҳнаткашлик каби ҳис туйғуларни шакллантириш ниҳоятда муҳимдир. Агар бола оилада ҳам мактабда ҳам атрофидагилар билан бўлган муносабатларда ҳурмат, ишонч, меҳрибонлик каби ҳис туйғулар

билан чулғанган бўлса, бу унинг келажакдаги тарбиясига ниҳоятда ижобий таъсир этади.

А.Адлернинг ушбу хулосаси кўтаринки руҳиятга тўла эди. Унинг таълимотидаги инсон биологик мавжудот эмас балки табиатдан ажралиб чиқан руҳий ижтимоий мавжудотдир ва уни орзу умитлар сари етакловчи руҳий куч қувват натижасида инсон баркамол шахсга айланиши мумкин. А.Адлернинг инсонга берган ушбу талқини фрейдизм оқимида ниҳоятда кучли таъсир этди ва бу таъсир натижасида инсони ижтимоий мавжудот деб тушунувчи психологик назариялар пайдо бўла бошланади.

ХУЛОСА

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, одамзодни ўз ички дунёсини ва коинотдаги ўрнини билиш масаласи ҳамisha қизиқтириб келган. Инсондаги мавжуд имкониятларни кенг қулоқ ёйдириш учун унинг бир қатор ўзигагина хос хусусиятларини сафарбар қилишга бир томонлама ёндошиш йўли билан эришиб бўлмалигини асрлар давомида англаб етган. Барчамизга маълумки, инсоннинг уйғун ва ҳар томонлама ривожланиши тарихий аҳамиятга эга бўлиб, бу қарашлар уйғониш давридагига нисбатан бугунги кунга келиб кескин ўзгарган. Ҳозирги кунда инсон масаласи, унинг яшаш тарзи, ҳаёти, руҳий баркамоллиги каби масалалар ўрганилиши даражасидан асосий ўринлардан бирига чиқди. Масалани ҳал этишда, албатта, тарихий-фалсафий билимларнинг аҳамияти беқиёс эканлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан инсон ҳақидаги замонавий таълимотлар турлича бўлиб, таълимотлар орасида, “индивидуал психология” алоҳида ўрин тутади. Биз тадқиқотимизда алоҳида эътибор қаратган машҳур немис олимлари З.Фрейд, А. Адлер, К. Юнглар инсондаги руҳий жараёни фалсафий таҳлил қилишиб, инсоннинг ички дунёсидаги ўзига хос ҳолатларини очиб беришган.

Мавзуни ёритиш жараёнида қуйидагиларга эътиборни қаратдик:

- Адлер ижодида концептуал ва методологик жиҳатдан инсон масаласини очиб бериш;
- Адлер ижодида инсон руҳиятининг шаклланиш жараёнини ўрганишни аниқ очиб беришга;
- Фрейдизм ва фалсафа тарихида онг ва онгсизлик тушунчаларини ёритиб беришга;
- А.Адлернинг илмий-фалсафий меросини ўрганиш доирасида ўз қарашларини илгари сурган мутафаккирларнинг назарий-фалсафий таълимотларини ёритиш.

А.Адлер ижодий меросини ташкил этадиган асарларини янги давр тафаккури асосида тадқиқ этиш, таржима қилиш, шарҳлаш ва нашрдан чиқариш борасидаги ишларни янгидан бошлаш ва уни мунтазам равишда давом эттириш муҳим аҳамиятга эгаллигини очиб беришга ҳаракат қилдик. Бу жараён эса шарқ ва ғарб маданияти ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш ва соғломлаштиришга замин тайёрлайди. А.Адлер асарларида инсон масаласи тадқиқ этилган ва бундан ташқари турли фалсафий тушунчаларни қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Шунингдек, А.Адлер илмий-фалсафий меросини ўрганиш доирасида тадқиқотлар олиб бораётган хориж олимларининг ва Ўзбекистонда самарали илмий фаолият олиб бораётган шу соҳа вакиллари ишларидан назарий манба сифатида фойдаланиш устувор аҳамият касб этди. Шунингдек, бошқа шарқ ва ғарб мутафаккирлари асарларидан ҳам самарали ва кенг фойдаланилди. Юқорида келтирилган барча мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидаги хулосалар қилишимиз мумкин, А.Адлер инсон ижтимоий манфаатини таҳлил қилар экан, уни онг остида яширинган инсон хатти – ҳаракатининг онгсиз

лойихаси деб ҳисоблайди, реал ҳаётда ушбу руҳий лойиха амалга ошиши ёки ошмаслиги ҳам мумкин.

Шахс ўзининг руҳий ривожланиш жараёнида ушбу руҳий лойиҳани амалга оширишга ҳаракат қилиши керак, чунки бунинг натижасида инсон ўз ожизлигини англаб баркамол шахсга айланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, - Т.; Маънавият, 2008.
- 2.Адлер.А. Воспитание детей. Взаимодействие полов. – Ростов Н/Д: Феникс, 1998.
3. Бергсон. А. Собр. соч., т. 4., стр. 78.
- 4.Гегель. Соч., т. III. – М., 1859.
- 5.Декарт Р. Избранные произведения. – М., 1950.
- 6.Кант И. Соч. в шести томах, т. 6. – М., 1966.
- 7.Ницше Ф. Поли. собр. соч., т. IX. – М., 1910.
- 8.Сухомлинский В. А. Не только разумом, но и сердцем. – М., 1986
- 9.Спиноза Б. Избранные произведения. I-том, - М.,1957.
- 10.Ушинский К.Д. «О пользе педагогической литературы» Источник: <http://www.allbest.ru>
- 11.Шопенгауэр А.. Дунё ирода ва тассаввур сифатида. т II – М.,1991.
- 12.Паскаль Б. Мысли. Ж. де Лабрюйер Характеры, стр. 176.